O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONA PALATASI INV.№

Ушбу сонда:
2 ҚОҒОЗДА ҚОЛГАН ШАРТНОМА
3 ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ
ГУМРОҲЛИК КАСРИ
4 ЙЎЛДАН АДАШГАНЛАР ФОЖЕАСИ

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 22 (378)
2004 йил
8 ИЮН
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, у судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Даъволар, агар қонунларда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жавобгар, истеъмолчи жойлашган ердаги ёки зарар етказилган жойдаги судга тақдим этилади.

Истеъмолчилар ўз ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ даъволар бўйича, шунингдек, товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари, истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари истеъмолчининг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб кўзғатиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинадилар.

"ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 29-МОДДА.

ШҲТ: ХОТИРЖАМЛИК ВА ФАРОВОН ҲАЕТ ШАРТИ

Жаҳон ҳамжамияти Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) фаолиятини катта қизиқиш ва эътибор билан кузатиб бормоқда. Шу йил 16-17 июн кунлари пойтахтимизда ана шу ташкилотнинг Саммити бўлиб ўтиши кутилмоқда. Демак, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, келгуси ҳафтада дунё сиёсатдонлари ва молия-бизнес олами намояндаларининг нигоҳи Тошкентга қаратилади.



МУҚАДДИМА

Тараққиётнинг янги-янги марраларини забт этганимиз сайин ҳузур-ҳаловатда яшаймиз деб ўйлайди одамзод. Афсуски, воқелик бунинг аксини кўрсатмоқда: фан-техника юксак ривожланаётган даврда пайдо бўлаётган муаммолар, турли-туман хатар ва ёвузликлар инсониятни хотиржам яшашдан бенасиб қилмоқда.

Дунёнинг бундай шакл-шамойил касб этишини маълум маънода сўнгги ўн йилликларда содир бўлган глобал воқеа-жараёнларининг оқибати сифатида баҳоламоқ ўринли. Ҳолбуки, юзага келаётган муаммо, хавф-хатар манбалари ёки можароли масалаларни ҳал этишга мавжуд халқаро тузилмаларнинг қурби етмай қолди. Иккинчидан, реал таҳдид ва хатарлар кўлами шу қадар кенгайиб бораётирки, биронбир давлат ёки ҳарбий-сиёсий гуруҳ ёлғиз ўзи унга қарши тура олишга ёки уни бартараф этишга қодир эмас.

Шундай вазиятда ШҲТ фаолият бошлаганини ҳаётий зарурат маҳсули десак, хато қилмаган бўламиз. Зеро, қитъамизнинг катта қисмини қамраб олган бу ташкилотнинг юзага келиши шу ҳудуддаги давлатларнинг мавжуд вазиятни теран англагани ҳосиласи ва истиқболни кўзлаб қўйган муҳим қадами сифатида эътироф этилмоқда.

Мамлакатимиз мазкур ташкилот ишида фаол иштирок этиб, аввало, дунёдаги етакчи кучлар ўртасидаги зиддиятлар қандай тус олишидан қатъи назар, Ўрта Осиёни сиёсий "ўйин ва мусобақалар" майдонига айлантиришга йўл қўймаслик; иккинчидан, терроризм, диний экстремизм каби тажовузкор ёвуз кучларнинг туб илдизларига барҳам бериш; учинчидан, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, биринчи галда, ўзаро интеграциялашувда муҳим аҳамиятга эга бўлган Буюк Ипак йўли каби кўп асрлар Осиё халқлари алоқалари рамзи бўлиб келган карвон йўлига қайта ҳаёт бахш этиш каби ниҳоятда долзарб вазифаларни илгари сурмоқдаки, бу эзгу ниятларнинг амалга ошишида ШҲТ фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз таъбири билан айтганда, **бу ташкилот шу сингари мақсадларнинг рўёби йўлида ҳамкор давлатларнинг бошини бирлаштирмоғи лозим.**

МУАММОНИ ЕЧИШ ЙЎЛИ — МУРОСА

Сиёсатда шундай аксиома борки, халқаро ташкилотнинг ҳаётийлиги унда иштирок этаётган давлатлар манфаатларининг муштараклиги ва бу манфаатларнинг қай даражада инобатга олингани, ташкилот фаолиятида иштирокчиларга нисбатан тенглик тамойилининг амал қилиш даражасига боғлиқ. Шу маънода давлатимиз раҳбарининг **"муайян мунозарали масалалар борасида ўзаро муросали қарорлар қабул қилиш механизмини яратиш"** таклифининг қўллаб-қувватлангани катта аҳамиятга эга. ШҲТ ишида бу механизмнинг амал қилиш ҳар бир иштирокчи давлатнинг манфаатлари инобатга олиниши ва муайян қарор бир иштирокчи хоҳиш-истагига қараб эмас, балки консенсус асосида қабул қилинишининг кафилидир. Балки шу боисдан ҳам, Афғонистон ва Мўғулистон бўлажак Тошкент саммитида кузатувчи сифатида қатнашиш истагини билдираётган бўлса, Покистон ва Ҳиндистон ҳам ушбу ташкилотга алоҳида қизиқиш билан қарамоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ШҲТнинг ташкил этилишини дунёдаги янги бир сиёсий-ҳарбий блокнинг пайдо бўлиши сифатида баҳолаётганлар ҳам йўқ эмас. Бу каби қарашларнинг вужудга келишига, шубҳасиз, ҳозирги кўпқутбли дунёда давлатлар ўртасида гегемонликка интилишнинг кучайиб бораётгани сабаб бўлаётгани сир эмас. Бироқ ШҲТ, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, **ўз фаолиятида эътиборни дунё харитасига "блок" кўзи билан қарашга эмас, аввало ўз доирасида бўлган давлатлар ва халқлар бошини қотираётган масала ва муаммолар ечимига қаратгандагина ўз олдига қўйган мақсадларга эришиши муқаррар.**

ШҲТ амалда иш бошлаган дамда — 2004 йилда унга биринчи бўлиб Ўзбекистон раҳбарлик қилаяпти. Президентимиз ибораси билан айтганда, бу аввало, ШҲТ доирасида Ўзбекистоннинг обрў-эътибори ошиб бораётганидан далолат, қолаверса, давлатимиз ўз манфаатларидан келиб чиқиб, баъзи тазйиқларга қарамай мустақил сиёсат юритаётгани самарасидир.

Бинобарин, Ўзбекистон халқаро майдонда аксилтеррор саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаган ва бунга амалий ҳиссасини қўшган мамлакат сифатида обрў қозонди. Узоқ вақтдан буён бу бало-қазога қарши курашни давом эттираётгани натижаси ўлароқ катта тажриба ҳам тўплади. Ана шу омилларга кўра, ШҲТнинг минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси қароргоҳига Тошкентдан жой ажратишга қарор қилинди.

ТОШКЕНТ САММИТИ — ДАСТЛАБКИ САЛМОҚЛИ ҚАДАМ

Ташкилот ташкил этилганига ҳали уч йил тўлмай уни ташкилий томондан барпо этиш деярли ниҳоясига этди. Унинг доимий ишловчи муассасалари – Пекинда ШҲТ Котибияти ва Тошкентда минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) ижроия қўмитаси ўз фаолиятини бошлади. Савдо иқтисодий алоқалар бўйича узоқ муддатга мўлжалланган кўптомонлама дастур маъқулланди. Бир неча обрўли халқаро ташкилотлар ва бошқа манфаатдор давлатлар билан алоқа ўрнатиш йўлида муваффақиятли қадамлар қўйилди. Буларнинг бари ШҲТга аъзо мамлакатлар барча жабҳада ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ва интеграциялашув йўлларини тутишга қатъий киришганини кўрсатади.

ШҲТ фаолияти ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш орқали хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган. Бинобарин, ШҲТ Тошкент Саммити кун тартибидаги масалалар ҳам ташкилот ишида биринчи галда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш орқали осуда ҳаётга эришиш устувор эканидан далолат беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида савдо-сотиқ ҳажмининг мўътадил ўсиш суръати кўзга ташланмоқда. Бундай ижобий ҳолат бир томондан, барча аъзо давлатлар иқтисодиёти ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Иккинчи томондан эса, бу мамлакатлардаги ишлаб чиқариш жараёнлари бир-бирини тўлдириш хусусиятига эга.

Тошкент Саммитида савдо-сотиқ ва иқтисод бўйича муҳим қарорлар қабул қилиниши кутилмоқдаки, пировард мақсад, улкан ҳудудда кенг маънодаги савдо-иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик маконини юзага келтиришдир.

ШҲТнинг Тараққиёт фондини тузиш схемасини ишлаб чиқиш бўйича изчил иш олиб борилаяпти. Бундай тузилмага эга бўлиш ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликни чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этадиган лойиҳаларни молиялашда алоҳида ўрин тутади. Бу фонднинг ўзига хослиги шундаки, у ҳукумат режалари ва бозор қонунларининг уйғунлашиши тамойиллари асосида фаолият юритиши кўзда тутилмоқда.

ШҲТ қамраган ҳудудда транспорт-коммуникация тармоғи пойдевори бўлган Буюк ипак йўли нафақат Марказий Осиё, балки Евросиёда ижтимоий тараққиёт учун барқарор муҳитни кафолатлаши, хавфсизликни мустаҳкамлаш юзасидан баҳамжиҳатликка асос бўлиши реал ҳақиқатдир.

Гарчи Афғонистонда тикланиш жараёни давом этаётган бўлса-да, бу заминда наркотик моддалар етиштириш суръатларининг сезиларли тарзда ўсиб бораётгани ташвишланарли ҳолдир. Тошкент Саммитида наркотрафикка қарши курашга тўғрисидаги ҳужжат муҳокама қилинишининг ўзиёқ ташкилотга аъзо давлатлар бу масалага жиддий эътибор қаратаётганини кўрсатади. Зеро, наркотрафик орқали топилаётган ноқонуний маблағлар инсоният тинчлигига раҳна солаётган кучларни молиялашга сарфланаётгани аччиқ ҳақиқатдир.

Хулоса ўрнида айтсак, Тошкентда ўтказилиши режалаштирилган Саммит ШҲТнинг ривожланишида янги, яъни амалий, ўзаро ҳаракатларни мувофиқлаштириш ҳамда кўпқиррали ва манфаатли ҳамкорлик масалаларига жиддий эътибор қаратиш босқичи бўлади, дейишга асослар етарли.

Мадамин САФАРОВ,
шарҳловчи

Мустақиллик шўро фуқароси хаёлига ҳам келтирмаган имконият ва имтиёзларни халққа бермоқда. Қаранг, тарихий нуқтаи назардан кўз очиб-юмгунча бўлган фурсатда катта ер эгалари — фермерлар пайдо бўлди ва улар бу имкониятдан самарали фойдаланмоқда. Ҳозирги пайтда ишнинг кўзини биладиган тадбиркор ва ғайратли фермерларнинг нафақат моддий, балки ижтимоий мавқеи ҳам тобора мустаҳкамланиб бораётир. Масалан, нафақат Деновда, балки Сурхондарёда кўп йиллардан буён пешқадамликни ҳеч кимга бермай келаётган Аҳмад Нарзуллаев бултур Ўзбекистон Қаҳрамони бўлди. Бу киши амалга ошираётган ишлар ва эришаётган натижаларни айтсак, ҳар қандай одам қойил қолади: ахир, 2000 дан ортиқ қорамолни парваришлаш осонми? Бунинг устига, Аҳмад аканинг ҳамкишлоқларига икки қаватли мактаб қуриб берганини айтмайсизми?

КАМ БЎЛМАСЛИК СИРИ

Буларни таъкидлашдан мақсад шуки, экин экиб, мол боқиб даромад қилишнинг нақадар қийин юмуш эканини бу иш бошимга тушгандан кейин билдим. 2000 йили хонадонимиз аҳли билан кенгашиб, 10 гектар ерни олдик ва "Алпомиш" фермер хўжалигини ташкил этдик. Чунки ўша йили паҳлавон бобомизнинг 1000 йиллиги нишонланаётган эди. Шунинг учун яхши ниятлар билан хўжалигимизни буюк бобомизнинг номлари билан атадик. Фермерликни қуруқ қўл билан бошладик – кетмондан бўлак ҳеч нарсамиз йўқ эди. Бунинг устига бизга ажратилган майдонлар нисбатан шўр босган, шунинг учун гир-атрофи зовурлар билан ўралган эди. Яхши одамларнинг маслаҳатларига қулоқ солиб иш тутдик. Шунинг учун бўлса керак, дастлабки йиллардаёқ қийинчилик билан бўлса-да, пахта ва ғалла тайёрлаш бўйича шартномаларни ортиғи билан бажардик.

Бир-икки йиллик тажрибадан шуни билдимки, Ўзбекистонда ёмон ернинг ўзи йўқ экан — қўнгилни кенг қилиб, яхши ният билан меҳнат қилсангиз, кўзлаган мақсадингизга албатта, етишасиз!

Жийда дарахтининг ердан шўрни кўтаришини кўпчилик билади. Ҳар туп жийда ўттиз-қирқ метр радиусдаги ернинг шўрни ўзига тортиб олади. Шунинг учун биз 2000 йили кузда дала атрофига 50 тупдан зиёд жийда экдик.

Биласиз, Сурхондарёда хурмо яхши ҳосил беради. Шу боис 112 туп хурмо, 132 туп ток, 100 туп беҳи, 48 туп ёнғоқ, 20 туп шафтоли кўчатларини ўтқаздик. Яқинда санаб кўрсак, 680 туп кўчат гуркираб ўсаяпти. Энди тасаввур қилинг: шунча мевали дарахт кўчатлари ҳосилга киргандан сўнг теварак-атрофда истиқомат қилаётган аҳолининг аввал қорни, сўнг кўзи тўяди. Халқдан қолгани ҳам бизга етади. Ахир, мевасиз дарахт ўсган тупроқда мевали кўчат ҳам ўсади-ку? Айримларга катта йўл ва дала бўйларига нега кўчат экмайсиз десангиз, турли баҳоналарни рўкач қилишади. Ҳозир ҳамма ёқни чинор, калифорния тераги босиб кетди. Шуларнинг ўрнига мевали дарахт эксак бўлмайдими?

Хўп, асосий мавзудан четга чиқиб кетдим шекилли. Боя ишни бир кетмон билан бошлаганимизни айтган эдим. Орадан ўтган бир-икки йил ичида 10 гектардан яхшигина даромад кўрдик. Соф фойдадан орттириб битта "МТЗ-80" деган трактор, култивация, тележка, чизел, плуг сотиб олдик. Бундай иш анжомлари одамнинг ўзидан чиққани яхши экан. Ҳамма иш ўз вақтида бажарилади — бировнинг қўлига қарамайсан. Бултур 10 гектар майдондан 7 миллион сўм даромад олдик. Харажатимиз 3 миллион сўм атрофида бўлди. Соф фойда — 4 миллион сўм. Чунки ғалланинг ҳосилдорлиги 60, пахтаники эса 37 центнерга етган эди.

Бу йил ҳам 5 гектар майдонга ғалла экканмиз. Мутахассислар ҳосилдорлик 60 центнердан юқори бўлади, дейишмоқда. Пахтамизнинг ҳам аҳволи ёмон эмас. Даланинг бошига 50 тоннадан зиёд маҳаллий ўғит чиқарганмиз. Энди биринчи имконият туғилиши билан экин майдонларимизни кенгайтирмоқчимиз.

Хуллас, бугун меҳнат қилган одам кам бўлаётгани йўқ. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барқарор аграр сиёсат бошқа орзуларимизнинг ҳам рўёбга чиқишини кафолатлаши тайин. Зотан, кўзга кўринган манзилнинг узоғи бўлмайди.

Олимжон ТУРДИЕВ,
Денов туманидаги "Алпомиш" фермер хўжалиги раҳбари

Oramizdagi odamlar

БЎНАК ПУЛИ

ОСМОНДАН ТУШГАН ҲАДЯ ЭМАС

Ўтган йили янгибозорлик фермер Тўлибой Матниёзов пахта экилган майдоннинг ҳар гектаридан нақд 200 минг сўм соф фойда олди. Ҳосилдорликни гектар бошига 46 центнерга етказган ҳазорасплик фермер Сафо Юсупов эса 5,5 миллион сўмлик харажатнинг даромадини 11 миллион сўмга етказди. Шу сабабли ҳар иккала фермер жорий йилда кўпроқ майдонга чигит экишди. Умуман айтганда Хоразм вилоятида бу йил 95 минг гектардан зиёдроқ майдонларга чигит экилган бўлиб, ғўза ривожи ўтган йиллардагидан 15-20 кун олдинда. Бу эса жорий йил даромади анча мўл бўлишидан дарак беради. Шу билан бирга бу борада айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, баъзи деҳқон ва фермерлар бўлажак ҳосил учун давлат бюджетидан ажратиладиган бўнак пулини ўз манфаатлари йўлидан талон-тарож қилишмоқда. Масалан, Қўшкўпир туманидаги "Эрка Бозор" фермер хўжалигига туман пахта тозалаш корхонаси бўнак пулини ўз вақтида тўлади. Фермер ва пахта тозалаш корхонаси томонлар ўртасида тузилган контрактация шартномасига биноан корхона фермерга ўн миллион сўмлик бўнак пулини олдиндан тўлади, фермер эса 14 гектар майдонда пахта етиштириб, ҳосилини корхонага топшириш мажбуриятини олди.

Аммо фермер аҳдига хиёнат қилди. Аниқроқ айтганда, контрактация шартномасида белгиланган 14 гектар ернинг бирон гектарига ҳам чигит экмади. Аксинча, бу ерга бошқа экинлар экди. Афсуски, бундай қонунбузарликлар сони бу билан чекланмайди. Чунончи, Боғот туманидаги "Исо", Хива туманидаги "Султон" фермер хўжаликларининг ҳар бири 4 гектар, шу тумандаги "Карим ота" фермер хўжалиги 3 гектар, Қўшкўпир туманидаги "Пирмат бобо" фермер хўжалиги 6 гектар, "Қаҳрамон XXI" фермер хўжалиги 5 гектар, "Равшан" фермер хўжалиги 6 гектар, "Матёқуб пано" фермер хўжалиги 20 гектар ерга тузилган контрактация шартномаларига зид равишда бир дона ҳам чигит қадамаган. Урганч туманидаги "Дилшод Бобожонов", "Мақсуд", Шовот туманидаги "Тиллаев Ғайрат" фермер хўжаликлари ҳам ана шундай йўл тутишган.

Контрактация шартномасини менсимай ўз даласида пахта ўрнига бошқа экинларни ўстираётганлар орасида Гурлан туманидаги "Эрмат бобо", "Аваз Сафо", "Раҳимбой қизилчали", Қўшкўпир туманидаги "Уста Шаркор" Хонқа туманидаги "Умид-78", "Қаландар Рўзиев", "Раҳим Киров", "Муҳаммад ўғли Умид", Хива туманидаги "Йўлдош Маткарим", Шовот туманидаги "Маткаримов Шермат" фермер хўжаликлари ҳам бор. Умуман, ўтказилган назорат-мониторинг тадбирлар мобайнида жами 198 гектардан зиёд майдонларга чигит экилмагани маълум бўлди.

Халқимиз иймон-эътиқодли, инсоф-диёнатли, сўзи ишига монанд мард ва ҳалол кишиларни ҳар доим эъзозлаб, қўллаб-қувватлаб келган. Лекин сохтакорликни асло кечирмаган. Аҳдига хиёнат қилиб, қонунни алдашга уринган сохта фермерлар энди қонуний жазо олишлари шубҳасиз.

А.ҚОСИМОВ,
Хоразм вилояти ер ресурслари бошқармаси бошлиғи,
Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Taassuf

Ogohlik sharti

Бугунги кунда терроризм инсоният учун энг хавфли ҳодисага айланди. Кундан-кунга унинг турли кўринишларда намоён бўлмоқда. Террорчилик ҳаракатлари бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига, жамиятни мислсиз моддий, руҳий ва маънавий зарарга олиб келмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда халқаро террористик ташкилотлар ва улар билан алоқада бўлган гуруҳлар ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш йўлида инсониятга мутлоқ зид усулларни қўллашга ва бор воситалардан, ҳатто фан-техниканинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

XXI АСР КУЛФАТИ

У ҚАТЪИЙ ЧОРАЛАР ОРҚАЛИ БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, **ҳар қандай жамиятда, миллатда ичи қора, нафси бало, табиатан тажовузкор ва зўравонликка мойил бўлган, керак бўлса, қотиликка ҳам борадиган кимсалар топилади. Шулар қаторида ҳамма нарсадан норози, аламзада, ўзининг ғаразли мақсадларини устун қўядиган кишилар ҳам кам эмас. Лекин биз бир муҳим масалага алоҳида эътибор беришимиз зарур. Юртимизга қарши бундай тажовуз ва қўпорувчилик хуружларини ташкил қилиш нияти билан юрган кучларнинг тузоғига тушганларнинг аксарияти биринчи навбатда оилада ҳам, мактабда ҳам жиддий таълим-тарбия олмаган ёшлардир.**

Барчамизга аён бўлиши керакки, ғанимларимизнинг асосий нияти — Ўзбекистонда хукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, бугун барпо этилаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, бизни танлаган йўлимиздан қайтаришдир. Шунинг учун ҳам уюшган жиноий тузилмалар, жумладан, террористик ташкилотларга қарши кураш амалиёти мукаммал ҳуқуқий тизим яратишни ҳамда уни изчил такомиллаштириб боришни тақозо этади. Тадқиқотлар ва террорчиликка қарши кураш амалиёти тажрибасидан аёнки, уюшган жиноий гуруҳлар ва уюшмалар ўз жиноий мақсадларини амалга ошириш учун узоқ муддат давомида тайёргарлик кўради ва бу жараёнда амалдаги қонунлар билан таъқиқланган жиноий хатти-ҳаракатларни содир этишади. 2004 йил 28 мартдан 2 апрелгача Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти Қибрай тумани ва Бухоро вилояти Ромитан тумани ҳудудларида содир этилган террористик хатти-ҳаракатлар таҳлилидан аниқланишича, 2000 йилдан ҳозирга қадар бу ҳудудларда бир неча хавфли диний экстремистик "жамоат" гуруҳлари яширин фаолият олиб борган. Жиноий ташкилот раҳнамоси Ўзбекистондан ташқарида туриб, "жамоат"лар фаолиятини, уларнинг халқаро экстремистик ташкилотлар билан алоқаларини мувофиқлаштириб турган. Биринчидан, улар террористик хатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун айрим шахсларни, айниқса, ёшларни ёллашган; иккинчидан, уларни бошқа давлатлар ҳудудида жойлашган махсус лагерларда тайёрлаш мақсадида ноқонуний йўллар билан давлат чегаралари орқали олиб ўтишган; учинчидан, мамлакатимиз ҳудудига миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатишга қаратилган турли хил шаклдаги манбаларни олиб кириш ва уларни тарқатиш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширишган; тўртинчидан, аҳоли орасида адоват, муросасизлик ёки нифоқ келтириб чиқариш мақсадида миллий қадр-қимматни камситишга, фуқароларнинг ҳистуйғуларини ҳақоратлашга, шунингдек, миллий, ирқий, этник мансублиги ёки динга муносабатига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклашга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишган; бешинчидан, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга, фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган, аҳоли орасида ваҳима солишга қаратилган материалларни тайёрлаб, тарқатишган; олтинчидан, фуқаролар тотувлигини бузишга, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этишда диндан фойдаланишган.

Уюшган террорчилик гуруҳлари ва ташкилотлари фаолиятининг барча босқичларида амалга ошириладиган жиноий қилмишлар учун амалдаги қонунларда жавобгарликни кучайтириш, бир томондан, қонун меъёрларининг терроризмнинг олдини олиш бўйича юридик кучи ва имкониятини янада оширса, иккинчи томондан, жиноий гуруҳ фаолиятининг тайёргарлик босқичларида содир этиладиган қилмишларига муносиб жазоларни қўллаш орқали уларнинг жиноий фаолиятига чек қўйиш имкониятини яратади. Бу ўз вақтида амалдаги Жиноят кодексининг айрим меъёрларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни тақозо этади.

(Давоми учинчи бетда)

Ajab savdolar

ҚОҒОЗДА ҚОЛГАН ШАРТНОМА

Бугунги кунда замонавий техникасиз деҳқончилик тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди. Хўш, шундай экан, деҳқоннинг оғирини енгил қилаётган техника ва механизмларнинг ишлатиш ҳолати қандай? Маълумки, далада ишлатилаётган ҳар қандай техника нефт маҳсулотларисиз бир қадам ҳам ўрнидан жилмайди. Демак, деҳқонга қанот бўлаётган трактор ёки механизмларни ўз вақтида нефт маҳсулотлари билан таъминлаб туриш муҳим аҳамиятга эга. Дизел ёқилғисиз ҳар қандай техника бир уюм темир-терсакдан ўзга нарса эмас.

«Фарғона нефт базаси» унитар корхонаси билан Й.Охунбобоев туманида фаолият юритаётган "Мадаминбек" фермер хўжалиги ўртасида шу йилнинг 28 январ куни 3/2-06-сонли шартнома имзоланган эди. Мазкур шартномага кўра, «Фарғона нефт базаси» унитар корхонаси "Мадаминбек" фермер хўжалигига нефт маҳсулотларини етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Мазкур шартноманинг 3.2 бандида хўжалик белгиланган миқдордаги нефт маҳсулотлари учун аввалдан ҳақ тўлаши қайд этилган. Фермер хўжалиги шартноманинг ана шу шартига амал қилиб, 370 килограмм дизел ёнилғиси учун жорий йилнинг 1 январ куни 47942 сўм тўловни амалга оширади. Ўз навбатида унитар корхона шартномада қайд этилган дизел ёнилғисини шу йилнинг 10 март кунига қадар фермер хўжалигига етказиб бериши лозим эди. Бироқ нефт базаси шартнома шартига амал қилади. Бу ҳолат корхона томонидан тақдим этилган шу йилнинг 10 март ҳолатига фермер хўжаликлари ўртасидаги ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотномада ҳам, корхона директори М.Мўминов, бош ҳисобчи вазифасини бажарувчиси Б.Парпиева ҳамда тақсимот бўлими бошлиғи Ш.Қаҳҳоровнинг тушунтириш хатларида ҳам ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари, томонлар ўртасида тузилган шартноманинг 5.5-бандида моддий-техника ресурсларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "етказиб берувчи" хўжаликка кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 05 фоизи миқдорида устама тўлайди, бироқ бунда устаманинг умумий миқдори етказиб берилмаган моддий техника ресурслари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги белгилаб қўйилган.

«Фарғона нефт базаси» унитар корхонаси "Мадаминбек" фермер хўжалигига 26980 сўмлик 190 килограмм дизел ёқилғиси маҳсулотини шу йилнинг 1 январидан 15 мартига қадар, яъни 75 кун кечиктириб етказиб бермаган. Шартномада қайд этилганидек, ҳар бир кечиктирилган кун учун 05 фоиз миқдорида, яъни 135 сўмдан 75 кунга 10125 сўм миқдорида устама тўлаши лозим бўлади. Бундан ташқари, нефт базаси унитар корхонаси фермер хўжалигига феврал ойида етказиб бериши лозим бўлган 180 килограмм 25560 сўмлик дизел ёқилғи маҳсулотини шу йилнинг 1 февралидан 15 мартига қадар, яъни 44 кун кечиктириб бўлса-да етказиб бермаган. Бунинг устама ҳақи миқдори эса 5632 сўмни ташкил этади. «Фарғона нефт базаси» унитар корхонаси шартнома мажбуриятига амал қилмагани учун фермер хўжалигига 15757 сўм устама қўшиб, жами 58514 сўм нефт маҳсулотлари учун тўлаб қўйилган маблағни қайтариб қўйиши лозим бўлади.

Афсуски, бундай ҳолат биргина "Мадаминбек" фермер хўжалиги миқосолида содир этилмади. Балки корхона билан шартнома имзолаган 17 та фермер хўжалигида ҳам кузатилди. Нефт базаси унитар корхонаси юқорида қайд этилган фермер хўжаликларига 1.493.961 сўм миқдорида шартнома шартларига амал қилмаганлиги учун фермер хўжаликларининг ҳисоб рақамига маблағни қайтаришига тўғри келади.

Фарғона вилояти адлия бошқармаси юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, Фуқаролик кодексининг 333-моддаси, Президентимизнинг 1998 йил 4 мартдаги **"Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларини бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"**ги Фармонига асосан фермер хўжаликларининг манфаатини кўзлаб Фарғона вилоят хўжалик судига даъво аризасини киритди. Ўйлаймизки, мазкур даъво ариза тез кунда ўзининг ижобий ечимини топади.

Жўрабек ХЎЖАХОНОВ,
ҳуқуқшунос
Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Huquqiy himoya

ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК – ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, хорижий инвестицияларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарнинг эмин-эркин фаолият кўрсатишларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса маҳаллий корхоналарнинг четдаги обрўсини оширибгина қолмай, балки бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатли, рақобатбардош бўлишига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Андижон вилояти адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг муаммолари ва уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашишларнинг олдини олиш борасида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Бундай салбий ҳолатларни аниқлаш мақсадида мунтазам равишда корхоналарда мониторинг, фаолият юритмаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар бўйича эса хатлов ўтказилди. Шу кунгача эса бундай корхоналар ва уларнинг ходимларидан 13 та ариза келиб тушди. Мазкур аризалар таҳлил қилинганда, уларда асосан рўйхатга олиш, мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари ўз ифодасини топган. Аризаларни ўрганиш натижалари бўйича хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини бузишига йўл қўйгани учун 5 нафар мансабдор шахсни жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан прокуратура идораларига таклифлар киритилди.

Ўтган чорак давомида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар манфаатларини кўзлаб вилоят хўжалик судига 75973403 сўмлик 8 та даъво аризаси киритилди.

Шу ўринда хўш, хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштироки ва корхоналар фаолиятига тўғаноқ бўлаётганлар кимлар, деган ҳақли савол туғилиши табиий.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги 205-сонли қарори ижроси бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиниши юзасидан ўтказилган мониторинг натижаси Балиқчи туманидаги Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасига нисбатан солиқ идоралари томонидан мулк солиғи бўйича қўлланилиши лозим имтиёзлар қўлланилмагани аниқланди.

Хўш, нега шундай бўлди?

Президентимизнинг **«Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармонига асосан устав жамғармасида хорижий сармоя улуши камида 500 минг АҚШ долларини ташкил этган корхоналар мулк солиғи тўлашдан озод этилган. Шунингдек, 2001 йил 7 декабрдаги **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун билан Солиқ кодексининг 92-моддасига ўзгартиш киритилиб, низом жамғармасида хорижий сармоя улуши камида 500 АҚШ доллари ташкил этган корхоналарни мулк солиғидан озод қилиш тўғрисидаги имтиёз бекор қилинган.

Лекин қўшма корхона 1997 йилда ташкил этилган, яъни бу пайтда юқоридаги мулк солиғи бўйича имтиёз амалда бўлган. Шу сабабдан қўшма корхона давлат рўйхатидан ўтган пайтда 1994 йил 5 майдаги **"Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"**ги қонуннинг 11-моддаси, 2-қисмига асосан корхона мулк солиғи бўйича 1996 йил 31 майдаги **"Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"**ги Президент Фармони билан берилган имтиёз билан давлат рўйхатидан ўтган. 1997 йилдан бошлаб 10 йил давомида, яъни 2007 йилга қадар фойдаланиши лозим эди. Лекин солиқ идораси ходимлари томонидан қўшма корхона давлат рўйхатидан ўтган пайтда амалда бўлган қонунларни мазкур қўшма корхонага тадбиқ қилмаганликлари натижасида унинг инвестициялаш шарт-шароити ёмонлашган. Бу ҳолат солиқ ҳисоб-китобларида ҳам ўз аксини топган.

Адлия бошқармаси мазкур ҳолат юзасидан қўшма корхона манфаатини кўзлаб, Балиқчи тумани Давлат солиқ инспекциясининг мулк солиғи тўлаш ҳақидаги талабини ноқонуний деб топди. Мулк солиғи бўйича ноқонуний тўланган 53051850 сўмни ундириб бериш ҳақида вилоят хўжалик судига даъво ариза киритди. Шундан сўнг бу муаммо ижобий ҳал этилди.

Яна бир мисол: "Узметртеч КО" Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасининг божхона идоралари меъёрий қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланишга рухсат бермаётгани тўғрисидаги аризаси ҳам бошқарма ходимлари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. "Узметертеч КО" қўшма корхонаси манфаатларини кўзлаб, мазкур корхона божхона тўловлари бўйича берилган имтиёзларнинг қонунийлигини эътироф этиши ва олиб келинган эҳтиёт қисмлар учун ноқонуний ундирилган 11300000 сўмлик божхона тўловини қайтариш тўғрисида вилоят хўжалик судига киритилган даъво аризаси ижобий ечимини топди.Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Лекин гап сонда эмас. Гап шундаки, юрт равнақини ўйлаб хорижлик ҳамкорлари билан фаолият кўрсатаётган юртдошларимиз қонун ҳимоясида. Буни ҳеч ким унутмаслиги лозим.

Исроил УСМОНОВ,
ҳуқуқшунос
Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Dakki

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК

"Озодлик" хўжалиги бир пайтлар Хужайли туманида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича олдингилар қаторида бўлган. Лекин сўнгги пайтларда у анча оқсаб қолди. Ҳақли савол туғилади: хўш, бунинг сабаби нима?

У ИШНИ ОРҚАГА ТОРТАДИ

Бунга жавобан шуни айтиш лозимки, хўжаликда, айниқса, кейинги икки йил давомида ишларнинг ўзибўларчилик ҳолатига ташлаб қўйилган. Бу эса ҳар хил қонунбузилишларга йўл очган. Масалан, хўжалик томонидан пай гувоҳномаларини тарқатиш бўйича махсус китобча юритилган бўлсада, унга 237 нафар пайчиларнинг пай гувоҳномаларини олгани ҳақида имзо чекилмаган. Хўжалик аъзоларининг чек дафтарчаларини қабул қилиб олгани хусусидаги масала ҳам худди шундай.

Хўжаликда 2002 йилда 341 нафар оила пудратчилари ишини назорат қилиш учун 10 нафар бош пудратчи лавозими жорий этилган. Аммо масаланинг қизиқ томони шундаки, уларга йил давомида 876.000 сўм миқдорида ҳақ ёзилган ва бу ҳақ оила пудратчилари ҳисобидан тўлаб келинган. 2003 йилда оилавий пудратчилар сони 412 нафарни ва бош пудратчилар сони 12 нафарни ташкил этган ҳолда иш услуби ўзгаришсиз қолдирилган. Хўжалик ва галлакорлар ўртасида дон маҳсулотлари етиштириш юзасидан тузилган контрактация шартномаларига кўра, режадан ортиқ тўпланган ҳосил оила пудратчиларига натура шаклида берилиши лозим эди. Бироқ шунга қарамасдан, оила пудратчиси Н.Каримовга 8560 килограмм, А.Нуриевага 905 килограмм, Б.Дадабоевга 420 килограм, Т.Мамиевга 1100 килограмм буғдой ҳосили берилмаган.

Хўжаликда пахта ҳосили тўплаш бўйича имзоланган шартнома мажбуриятлари ҳам амалда ўз ижросини топмаган. Аниқроқ қилиб айтганда, Н.Айтмуретов, Б.Худойберганов, Г.Хидиров каби пахтакорлар ўзларига тегишли бўлган пахта ёғи ва кунжараларни ўрганиш кунига қадар олишолмаган. Яна бир қизиқ томони, оила пудратчиси Д.Шамедов томонидан тегишли миқдордаги пахта ёғи қабул қилиб олингани тўғрисидаги имзо у билан тузилган контрактация шартномаси ва ер майдонини бириктириб бериш бўйича далолатномаларда чекилган имзолардан бутунлай фарқ қилади. Оила пудратчиси О.Авезовага тегишли ҳужжатларда ҳам айнан шундай ҳолат такрорланган. Бу жумбоқли "ўйин" сирини қандай тушуниш мумкин?

Ширкат хўжалигида тузилган шартномаларда ҳам бир қатор хато ва камчиликларга, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилган. Қарийб барча шартномаларда жами етиштирилган маҳсулот учун тўланиши лозим бўлган иш ҳақлари ва йил давомида бериладиган аванс миқдорлари кўрсатилмаган, уларнинг тузилиш саналари акс этмаган. Мазкур шартномаларнинг ширкат хўжалиги ва оила пудратчилари ўртасида эмас, балки бош пудратчи ва оила пудратчилари ўртасида тузилгани янада ажабланарли. Устига-устак, шартномаларнинг бирортаси туман қишлоқ ва сув хўжаликлари бўлимида рўйхатдан ўтказилмаган.

Хўжаликда 890 нафар киши меҳнат қилади. 2002 йилда хўжалик раҳбариятига фуқаролардан 73 та ариза келиб тушган. Аразгўйлардан 10 нафари ўз хатларида фермер хўжаликлари ташкил қилиш ва 52 нафари шахсий уй-жой қуриш учун ер майдонлари ажратиб бериш, 10 нафар эски техникаларни сотиб олиш ва 1 нафари пудрат асосида ажратилган ер майдонини қайтариб олишда ёрдам кўрсатишни сўрашган. Афсуски, ушбу ёзма мурожаатномаларнинг биронтасига хўжалик раҳбарияти томонидан жавоб қайтарилмаган.

2003 йил давомида қабул қилинган шикоят ва аризаларга ҳам айнан шу йўсинда эътиборсизлик билан қаралган ва ширкат хўжалиги масъул шахслари томонидан **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги қонун талаблари қўпол равишда бузилган.

Уддабурро раҳбар ўзидан, нўноқ раҳбар эса ўзгалардан ўпкалайди. "Озодлик" ширкат хўжалиги раҳбарлари ҳам камчиликларни бартараф этиш ўрнига турли хил важ-карсонлар ахтариш, айбни бошқаларга ағдариш билан банд. Шу боис хўжаликнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари миқдори тобора ошиб боряпти. Хусусан, "Манғит", Охунбобоев ва Жамбул номидаги ширкат хўжаликлари, "Мавлон ММ", "Шоти", "Бесин" фермер хўжаликлари ҳисобидаги мавжд бўлган дебиторлик қарзларни ундириш ва туман сув қурилиш ташкилоти, "Қорақалпоқагротехника", "Рабойлигуруч" акциядорлик жамиятларига қайтарилиши лозим бўлган кредиторлик қарзлардан қутулиш чоралари кўрилмаган. Шу сабабли хўжалик аъзолари ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб, мутасадди идораларга мурожаат этишга мажбур бўлишди. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги аралашуви билан меҳнаткашлар манфаатлари қонун ҳимоясига олинди ва масала тегишлича ижобий ечим топди.

Лекин хўжаликда ҳукм сураётган қолоқлик қачон барҳам топади, деган савол очиқ қолмоқда. Ўйлаймизки, энди жамоа раҳбарлари давр талаблари асосида масъулият билан иш юритишади ва хўжалик яна илғорлар сафига қайтади.

Ф. АЛЛАЁРОВ,
ҳуқуқшунос
Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Muloqot

ТЎРТ САВОЛГА ТЎРТ ЖАВОБ

САВОЛ: ***Фуқароларни ишга жойлашиш ҳуқуқи деганда нималар назарда тутилади?***

ЖАВОБ: Ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитида ишлаш, ишсизликдан қонунда назарда тутилган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқлари Конституциямиз билан кафолатланган. Фуқаро ўзининг меҳнат қилиш ҳуқуқини истаган шаклда (ишга ёлланиш, тадбиркорлик билан машғул бўлиш ва ҳоказо) амалга оширишга ҳақли. Ҳар ким иш берувчига бевосита мурожаат қилиш ёки меҳнат идораларининг бу соҳадаги бепул хизмати ва воситачиликдан фойдаланиш орқали иш жойига ҳамда касбни эркин танлашга ҳақлидир. Ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслик ҳеч бир жавобгарликка сабаб бўлмайди.

САВОЛ: ***Фуқарони ишсиз деб эътироф этиш тартиби қандай?***

ЖАВОБ: Ўн олти ёшдан бошлаб, то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида туман (шаҳар) меҳнат бўлимида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ёки қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахс ишсиз деб эътироф этилади.

Меҳнат бўлими томонидан иш ахтарувчи шахс сифатида рўйхатга олинган фуқарога мақбул келадиган иш улар рўйхатга олинган кундан бошлаб, ўн кунлик муддат ичида таклиф қилиниши лозим.

Яшаш жойини ўзгартириш билан боғлиқ бўлса ёки турар жойидан узоқ, иш ҳақи даражаси нисбатан паст бўлган ишлар мақбул келадиган иш деб саналиши мумкин эмас. Мақбул келадиган иш таклиф қилинганда, иш ахтарувчи ундан бош тортишга (бир мартадан ортиқ) ҳақли эмас.

Иш ахтарувчи сифатида рўйхатга олинганидан бошлаб ўн кун ичида мақбул келадиган иш таклиф этилмаган ёки касб масаласини оширишга жалб этилмаган фуқаро туман (шаҳар) меҳнат бўлими қарори билан ишсиз деб эътироф этилади ва унга қонунда белгиланган миқдорда ишсизлик нафақаси тайинланади.

САВОЛ: ***Тугатилаётган корхоналарнинг ходимлари ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилинади?***

ЖАВОБ: Корхона қандай асосларга кўра тугатилаётганлигидан қатъи назар, ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг махсус чоралари назарда тутилган. Бундай ҳолда иш берувчи ишдан бўшатилаётган ходимларни камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантирилади ва бир ойлик ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

Ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар корхона бутунлай тугатилган тақдирда ҳам улар бошқа ишга жойлаштирилиши шарти билан ишдан бўшатилиши мумкин. Бунда уларга ишга жойлаштириш даврида меҳнат бўлими маблағлари ҳисобидан ижтимоий тўловлар тўлаб турилади.

Корхона ночор (банкрот) деб топилиши туфайли тугатилаётганида ишдан бўшатилаётган ходимларга иш ҳақи ва бошқа тўловлар бошқа барча кредиторларнинг талабларига нисбатан биринчи навбатда тўланади. Тугатилаётган корхонанинг иш ҳақи ва бошқа тўловларни ходимларга тўлаш учун маблағи бўлмаса, бу тўловлар туман (шаҳар) меҳнат бўлими иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

САВОЛ: ***Аҳолининг айрим табақалари учун ишга жойлашишда қўшимча кафолатлар белгиланганми?***

ЖАВОБ: Ҳа, ана шундай қўшимча кафолатлар ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар учун белгиланган. Бундай шахслар жумласига ўн тўрт ёшга тўлмаган ёки ногирон болалари бўлган ёлғиз ота, ёлғиз она, кўп болали ота-оналар; ёш мутахассислар; ҳарбий хизматдан бўшатилганлар; ногиронлар; пенсия ёшига яқинлашиб қолганлар; жиноий жазони ўтаб бўлгач, озод қилинганлар киритилади. Бундай шахслар учун қўшимча иш жойлари барпо этиш, иш ўргатишнинг махсус дастурларини ташкил қилиш, корхона ва ташкилотларда бу тоифадаги фуқаролар учун қўшимча иш жойлари очиш минимал иш жойларни олдиндан банд қилиб қўйиш қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Ана шундай иш жойлари банд қилинмагани ёки банд қилинган иш жойига меҳнат бўлими томонидан ишга юборилган фуқарони ишга қабул қилишдан асоссиз бош тортганлиги учун айбдор корхонага молиявий (иқтисодий) жазо қўллаш назарда тутилган.

Саволларга жавобларни юридик фанлари номзоди Й. ТУРСУНОВ тайёрлади.

Qonun ko`magi

ЎТМАГАН БАҲОНА

Деҳқончилик соҳасида табиат инжиқликлари туфайли кўзланган ҳосилга эришолмаслик мумкин. Лекин бу шартнома кўзда тутилган миқдордаги маҳсулотни етказиб бермасликка баҳона бўлолмайди.



Булунғур туманидаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Афросиёб-Мева" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси билан Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги ўртасида ўтган йилнинг 14 январида 7-сонли контрактация шартномаси тузилган. Ушбу шартномага мувофиқ хўжалик корхонага 200 тонна узум, 100 тонна олма, 600 тонна помидор етказиб бериши керак эди. Шартномада маҳсулотларнинг келишилган нархлари, қўшма корхона томонидан маҳсулот умумий қийматининг 25 фоизини бўнак тариқасида аввалдан тўланиш лозимлиги кўрсатилган эди.

Қўшма корхона ширкат хўжалигининг 2003 йил 1 январ ҳолатига бўлган 1 миллион 490 минг 735 сўмлик кредиторлик қарзини ҳисоблаб, ҳамкорига 10 миллион 267 минг 730 сўм бўнак тўлайди. Ширкат хўжалиги эса қўшма корхонага 30 миллион 300 минг сўмлик маҳсулот етказиб беришни ўз зиммасига олади.

Лекин "ҳолва" деган билан оғиз чучимас экан. Ширкат хўжалиги қўшма корхонага атиги 5 миллион 652 минг 285 сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берди, холос. 24 миллион 647 минг 715 сўмлик маҳсулот эса топширилмай қолди.

Шундан сўнг хўжалик мутасаддилари ҳамкорларига ноқулай об-ҳаво туфайли ҳосил кам бўлди, дея баҳона қилишди.

Қўшма корхона ўртада тузилган шартноманинг 4.1 бандида **агар хўжалик белгиланган миқдордаги ҳосилни топширмаса, етказиб берилмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида қўшма корхонага жарима тўлаши кераклиги** кўрсатилгани боис Самарқанд вилояти адлия бошқармасига мурожаат этди. Мазкур мурожаат асосида адлия бошқармаси МЧЖ "Афросиёб-Мева" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси манфаатини кўзлаб хўжалиу судига даъво аризаси киритди. Вилоят хўжалик суди ширкат хўжалиги ҳисобидан қўшма корхона фойдасига жами бўлиб 8 миллион 886 минг 403 сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Шу тариқа хорижий инвестиция иштирокидаги қўшма корхона манфаати ҳимоя қилинди. Ҳижолатпазлик ортда қолди.

Комил БАҲРИДДИНОВ,
ҳуқуқшунос

Qonun dastagi

ТАЛОН-ТАРОЖЛИК

Мамлакатимизда пахта, ғалла ва шу сингари бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан йилдан-йилга мўл ҳосил етиштирмоқда. Ернинг ҳақиқий эгасига айланган деҳқон пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай ўз вақтида йиғиб-териб олиш ва ҳосилдан бўшаган ерларни тезроқ шудгорлаб келгуси йил ҳосили учун замин тайёрлаб қўйиш умиди билан яшайди. Афсуски, айрим жойларда ана шундай муҳим агротехник тадбирларни амалга ошириш учун сув ва ҳаводек зарур бўлган ёқилғи-мойлаш материалларининг исроф қилиниб, талон-тарож этилишига йўл қўйилаётгани бундай нохуш ҳолатларга нисбатан кескин чора-тадбирлар кўришни талаб этмоқда.

УНГА ҚОНУН ЧЕК ҚЎЙДИ

Сир эмас, айрим иймони суст кимсалар ўзига ишониб топширилган амал курсисига ўтиргач, бойлик мол-дунё орттиришга рўжу қўйиб, ўзгалар насибасига шерик бўлиш йўлларини излай бошлайди. Пойариқ туманидаги "Янгиобод" (2004 йилнинг январ ойидан МТП мақомида фаолият юритаётган) ширкат хўжалиги ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини сақлаш ва тарқатиш шаҳобчасининг омбор мудири Тўлқин Ғойипов ана шундай кимсалар сирасидан чиқиб қолди.

У хўжалик маъмурияти томонидан берилган ишонч қоғози орқали Самарқанд вилояти "Мароқанд" нефт базаси омборидан хўжаликка ишонч қоғози орқали олиб келинган ёқилғи мойлаш маҳсулотларини хўжаликнинг ёқилғи мойлаш материаллар омборхонасига кирим ҳужжатлари асосида қабул қилиш, келтирилган ёқилғи маҳсулотларининг исроф бўлишига йўл қўймаслик, чиқим ҳужжатларини расмийлаштирган ҳолда хўжалик техникалари ва фермер хўжаликларига тарқатиш, ҳар ойда қолдиқдаги ва кирим чиқим қилинган маҳсулотлар юзасидан ойлик ҳисоботларни тузиб, уларни хўжалик ҳисобхонасига топшириши лозим эди.

Дастлабки пайтларда Тўлқин Ғойипов нефт маҳсулотларининг ҳар томчисини кўз қорачиғидек асрашга ҳаракат қилди. Афсуски, кўп ўтмай нафс қурғур уни йўлдан урди, у ноқонуний мўмай даромад топишга рўжу қўйди. Ана шу тариқа у жиноятга қўл ураётганини сезмай қолди...

«Ҳозир ҳар қадамда дизел ёқилғиси тақчиллиги сезилиб турибди, – дея ўзича ўйлади Т.Ғойипов. — Хўжалик ҳудудида шахсий трактор ва дизел ёқилғиси билан ишлайдиган юк ташиш автомобиллари кўп. "Нурафшон" фермер хўжалиги раиси Бахтиёр Умрзоқов номига келтирилган 2.525 литр дизел ёқилғисини сотиб юборсам, биров билиб ўтирибдими? Ҳадеб хўжалик ёки фермерлар манфаатини ўйлавермай, ўзимнинг фойдамни ҳам кўзласам-чи?»

У ана шундай "ширин" хаёллар билан омборхона ҳужжатларида қоғозларга кўмилиб ўтирганида, кутилмаганда, ҳузурига кириб келган "Камаз" русумли автомашина ҳайдовчиси гапни чўзиб ўтирмай муддаога кўчди:

— Тўлқин ака, узоқ йўлга юк олиб кетмоқчиман, илтимос, 2 тонна дизел ёқилғисидан ёрдамлашсангиз...

Бу илтимосни омбор мудири дарҳол бажо этди. 334.089 сўм пулни чўнтагига урган Тўлқин ҳайдовчини мамнун кузатиб қўйди. Арзимас пулга сотиб юборилган шунча ёқилғи билан қанчадан-қанча ерни шудгорлаш ва деҳқончилик учун нафи тегадиган қанча ишларни амалга ошириш мумкин эди. Пойариқ тумани прокуратураси томонидан хўжалик омборхонасида ёқилғи мойлаш-маҳсулотларини сақланиши ва мақсадли ишлатилиши юзасидан ҳужжатли текшириш ўтказилганда, омборхонадаги суиистеъмолликлар, ғайриқонуний ўзлаштириш ва камомадлар фош этилди. "Ҳотамтой" омбор мудири Тўлқин Ғойиповга жиноий ишлар бўйича Пойариқ тумани суди икки йил ахлоқ жазоси тайинлади ва келгусида мансабдорлик ҳамда моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан 2 йилга маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Ана шу тумандаги "Чўрош" ширкат хўжалигида ёқилғи-мойлаш материаллари омбор мудири Улуғбек Мамарасулов ҳам ўзига ишониб топширилган жами 101.259 сўм 28 тийинлик ёқилғи мойлаш маҳсулотини сотиб, пулини ўз шахсий манфаати учун ишлатган. Мазкур масала юзасидан фуқаролик даъвогари сифатида суд мажлисида иштирок этган хўжаликнинг бош ҳисобчиси Миросим Мирзаев судга ярашув тўғрисида ариза тақдим қилиб, омбор мудирининг хўжаликка етказилган моддий зарарни ўз хоҳиши билан қоплаганини инобатга олиб, унга нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради. Шунга асосан суд У.Мамарасуловнинг ўз айбига иқрор ва пушаймонлигини, биринчи маротаба жиноят содир этганлигини ҳамда даъвонинг йўқлигини аниқлаб, ярашув тўғрисидаги суд баённомасини тасдиқлади. Бундан у қандай хулоса чиқаради – буни вақт кўрсатади.

Санжархон ФАЙЗИЕВ,
ҳуқуқшунос

Ogohlik sharti

XXI АСР КУЛФАТИ

У ҚАТЪИЙ ЧОРАЛАР ОРҚАЛИ БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, уюшган жиноий тузилмалар ҳаётдаги мавжуд қийинчиликлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, жамиятда ҳали ўз ўрнини тополмаган, дунёқараши тўлиқ шаклланмаган ёшларни, жумладан, вояга етмаганларни алдаб, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга жалб этишга уринишмоқда. Шу боис Жиноят кодексининг **"Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга жалб этиш"** жинояти кўрсатилган 127-модда 3-қисмига алоҳида банд киритиб, уни қуйидаги таҳрирда баён этиш ўринли: **г) уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма манфаатларини кўзлаб содир этилса...**

Террорчилик гуруҳлари ва уюшмаларни кейинги пайтларда жиноий фаолиятларини амалга ошириш жараёнида шахс озодлигига қарши жиноятларни, бир томондан, ўз жиноий фаолиятида фойдаланиш учун одамларни ёллаш, иккинчи томондан, мудҳиш мақсадлари йўлида одамларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш усулларини қўллашни тез-тез содир этиши кузатилмоқда. Шунинг учун шахс озодлигига қарши қаратилган меъёрларни қуйидаги йўналишда такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Жиноят кодексининг **"Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш"** жинояти кўрсатилган 135-модда 3-қисмини қуйидаги таҳрирда ёзиш лозим: **бу ҳаракатлар а) одамларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетиш мақсадида содир этилган бўлса;**

б) уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Террористик тузилмалар ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун фаолият кўрсатаётган ҳудудларда миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатишга ҳаракат қилмоқда. Бундай жиноий хатти-ҳаракатлар, биринчидан, фаолияти таъқиқланган экстремистик гуруҳлар ёки оқимлар билан алоқадор шахслар ёки гуруҳлар томонидан, иккинчидан, уюшган жиноий тузилма аъзоси томонидан, уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма манфаатларини кўзлаб содир этилмоқда. Шунинг учун Жиноят кодексининг **"миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатиш"** жинояти кўрсатилган 156-моддасига алоҳида 3-қисм киритилиб, уни қуйидагича баён этиш мақсадга мувофиқдир: **бундай ҳаракатлар — а) фаолияти таъқиқланган диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки таъқиқланган гуруҳлар, оқимлар ёки ташкилотлар билан алоқадор шахс ёки гуруҳ томонидан содир этилса;**

б) уюшган жиноий гуруҳ аъзоси томонидан ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма манфаатларини кўзлаб содир этилса, ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Халқаро террористик ташкилотлар террористик тузилмалар фаолиятини молиялаштиришга ҳаракат қилмоқда. Улар, албатта, бу мақсадда мамлакатимиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган ёки улар билан иқтисодий ҳамкорлик қилаётган турли хил иқтисодий субъектлар, айниқса, катта фойда олишни кўзлаган уюшган жиноий тузилмалар имкониятларидан фойдаланишга уринишади. Шунинг учун Жиноят кодексининг **"Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш"** жинояти кўрсатилган 175-моддасига алоҳида 3-қисмни киритиб, уни қуйидагича ифодалаш керак: **бундай ҳаракатлар — а) террористик фаолиятни молиялаштирувчи иқтисодий субъектлар билан ҳамкорлик қилган ҳолда содир этилса; в) уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса; энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилган ҳолда, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.**

Мамлакатимизда террористик актларни содир этган шахсларнинг бир қисми ноқонуний йўллар билан Ўзбекистон ҳудудидан чиқиб, чет элларда фаолият кўрсатаётган террорчилар тайёрлаш марказларида қўпорувчилик ишларини олиб боришни ўрганиб келганлар ташкил этади. Улар, албатта, Ўзбекистонда хуфёна фаолият олиб борган уюшган жиноий тузилмалар таркибида ҳаракат қилган ва террористик хатти-ҳаракатларни уларнинг манфаатларини кўзлаб содир этишган. Шунинг учун Жиноят кодексининг **"Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш"** жинояти кўрсатилган 223-моддасига алоҳида 3-қисмни киритиб, уни қуйидагича баён этиш мақсадга мувофиқдир: **бу ҳаракатлар — а) террорчилар тайёрлаш марказларида қўпорувчилик ишларини олиб боришни ўрганиб келаётган ёки ўрганиш учун ёлланган шахс ёхуд уларнинг чет элга чиқиши учун махсус келишув талаб қилинадиган шахс томонидан содир этилган бўлса;**

б) уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

6. Терроризмга қарши кураш амалиёти шуни кўрсатадики, террорчилик хатти-ҳаракатларини амалга ошираётган уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг асосий йўналишларидан бири жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш орқали жамиятда оммавий тартибсизликларни юзага келтиришдир. Албатта, бундай жиноий хатти-ҳаракатлар уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшманинг манфаатларини кўзлаб содир этилади. Шунинг учун Жиноят кодексининг **"Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш"** жинояти кўрсатилган 244-моддасига алоҳида 4-қисмни киритиб, уни қуйидагича ифодалаш мақсадга мувофиқдир: **ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар — "а) жамиятда давлат органлари, ижтимоий муассасалар, жамоат транспорти, ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳолига хизмат кўрсатиш муассасаларининг бир маромда ишлашини издан чиқарадиган, рухсат этилмаган оммавий чиқишлар ёки намойишлар ёхуд оммавий тартибсизликларнинг вужудга келишига олиб келса;**

б) уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшманинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, саккиз йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади".

Бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, суд тизимида ҳам эркинлаштириш, жиноий жазоларни либераллаштириш жараёни амалга оширилаётган бир пайтда жазони кучайтириш масаласини муҳокамага олиб чиқиш қайсидир жиҳатдан ноўриндек кўринишмумкин. Лекин XXI аср кулфати бўлган терроризмнинг хавфи ва таҳдиди унга нисбатан қонунчилик меъёрларидан тўлиқ фойдаланишни талаб қилади. Жаҳон тажрибаси ҳам ҳар қандай уюшган жиноий фаолиятга қарши кескин чоралар кўриш лозимлигини тақозо этади.

Исомиддин ИСМОИЛОВ,
юридик фанлари номзоди

Jinoyatga jazo muqarrar

ГУМРОҲЛИК КАСРИ

СУД ОЧЕРКИ

I. МУҚАДДИМА

"Самарқанд-Ғузор" катта асфальт йўлининг 70-71 километри оралиғида номаълум кишининг жасад топилди. Суд-тиббий экспертизаси 30-35 ёшлардаги шахси номаълум бўлган киши бош миясига қаттиқ тўмтоқ жисм билан кўп марта уриш ва бўйнидан қўл билан бўғиш натижасида ҳаётдан кўз юмган, деган хулоса берди.

Жасад кимники ва унинг ҳаётига ким тажовуз қилган? Нима учун бу жиноят содир этилган?

Бу саволлар тергов ва суриштирув идоралари ходимларини оёққа турғазди.

Воқеа жойини кўздан кечириш, атрофни кузатиш пайтида йўл четидаги ғаллазор ичидан марҳумнинг ҳужжатлари топилди. Ҳужжатлар 1969 йилда Тошкент шаҳрида туғилган ва ўша ердаги ҳарбий қисмларнинг бирида ҳайдовчи бўлиб ишловчи Н. Ғаниев тегишли эди. Маълум бўлдики, Н. ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган ҳарбий қисм мамлакатимиз ҳудудидаги ҳарбий қисмларни автошиналар билан таъминлаш ва автошиналарни таъмирлаш билан шуғулланар экан. Ҳарбий қисмдагилар Н.Ғаниев "Тошкент-Самарқанд-Қарши" йўналиши бўйича таъмирталаб автошиналарни йиғиб келиш учун бошқарувидаги "Камаз" русумли машинада ўн кун муддатга сафарга кетганини билдиришди. Суд-тиббиёт экспертизаси мурданинг Н. Ғаниев эканини тасдиқлади.

Энди тергов идоралари ходимлари олдида ғойиб бўлган автоуловни топиш, Н.Ғаниевнинг ҳаётига зомин бўлган жиноятчиларни аниқлаш вазифаси турарди.

II. ТИЛ БИРИКТИРУВ

"Кўр кўр билан қоронғида топишади", деган нақл ёмон ниятли кимсаларга нисбатан айтилган. Чунки бундай кимсалар тезда уюшиб, ош-қатиқ бўлиб кетишади.

Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманида яшовчи Маъмур Қўчқоров, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида яшовчи Раззоқ Шарипов ва Қарши шаҳрида яшовчи Турди Тўраев бир-бирларини пойтахт бозорларида сабзавот маҳсулотлари савдоси билан шуғулланиб юришганда танишишди. Маъмур Қўчқоров билан Турди Тўраев аввал судланган бўлса-да, бундан тегишли хулоса чиқармаган экан. Улар яна нафс қутқусига учиб, тезда бойиб кетишни ўйлай бошлашди. Улар пул баракали бўлсин учун "Камаз" русумли автоуловни эгаллашни ҳайдовчини ўлдиришни режалаштиришди.

Маъмур Қўчқоров "Камаз-"ни топадиган ва эгасини алдаб Тошкент шаҳридан узоққа олиб чиқадиган, шериги Раззоқ Шарипов билан ҳайдовчини гумон қиладиган бўлишди. Турди Тўраевга босқинчилик йўли билан қўлга киритилган "Камаз"га харидор топиб сотиш, пулни ўзаро бўлиш вазифаси юклатилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Jahon tajribasi

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тараққиёт ҳозирда барча давлатларнинг хўжалик, сиёсий ва маданий турмушини интеграциялаштириш, ички ва глобал муаммоларни самарали ҳал қилиш учун уларнинг умумий саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни тақозо этади. Бундай ҳамкорлик интеграция масалаларига кенг ва ўзаро фойдали ёндашувни, ҳамкорликнинг бошқа иштирокчилари манфаатларига ҳам жавоб берадиган фойдали ечимларни топишни назарда тутади.

Таъкидлаш жоизки, давлатлараро иқтисодий ҳамкорликда халқаро *меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришни кооперациялаштириш ва ихтисослаштириш, энг янги технологияларни алмашиш, товар айланишини мувофиқлаштириш, молия-кредит алоқаларини ривожлантириш* муҳим аҳамиятга эга. Халқаро иқтисодий ҳамкорликни умумий мувофиқлаштириш *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти* ва *унинг ихтисослаштирилган муассасалари томонидан* амалга оширилади. Жумладан, БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши таркибида жаҳон ҳамжамияти миқёсида давлатлараро иқтисодий муносабатларни тартибга солиш билан шуғулланадиган Савдо-сотиқ ва ривожланиш кенгаши, Иқтисодий қўмита, минтақавий иқтисодий комиссиялар, турар жой масаласи, қурилиш ва лойиҳалаш, табиий ресурслар, фан ва техника қўмиталари иш олиб боради. Халқаро иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик масалалари билан БМТнинг *Халқаро меҳнат ташкилоти, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти, Халқаро валюта фонди, Халқаро тикланиш ва ривожланиш банки* сингари ташкилотлари шуғулланади.

Иқтисодий ҳамкорлик давлатлар ўртасидаги *икки томонлама шартномалар* асосида ҳам амалга оширилмоқда. Бироқ бундай ҳамкорлик фақат ушбу давлатларнинг иқтисодий имкониятлари билан чегараланади.

Давлатларнинг сиёсий соҳадаги ҳамкорлиги энг аввало, *тинчлик масаласида* кўзга ташланаётир. Давлатлар жаҳон ҳамжамиятининг замонавий ривожланиш даражаси глобал қуролли тўқнашувларга йўл қўймаслик имконини беради. Давлатлар ўртасида сиёсий ҳамкорлик давлат ҳокимиятининг барча поғоналарида — парламентлараро, ҳукуматлараро ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқарув идоралари миқёсида амалга оширилади.

Бироқ бу масала Европа ҳамжамиятида сал бошқача усулда ҳал этилади. Чунки Европа ҳамжамияти умумий давлатлараро қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд идораларига эга бўлиб, уларнинг ваколатлари бирлашган давлатларнинг ўзаро манфаатлари билан чегараланган. Бундай давлатлараро тузилмалар конфедератив ва қисман федератив белгиларга эга, чунки уларнинг қонун чиқарувчи ва бошқарувчи идоралари умумийдир.

БМТ ҳозирги замон давлатларининг сиёсий манфаатларини мувофиқлаштирувчи асосий нуфузли халқаро ташкилот ҳисобланади. Низоларни, шу жумладан қуролли можароларни тартибга солиш масалалари билан БМТнинг доимий ишловчи *Хавфсизлик Кенгаши* шуғулланади. Унга халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, давлатлараро муносабатларнинг турли соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича кенг ҳуқуқлар берилган.

Маданий ва илмий-техник ҳамкорлик ҳар хил шаклларда ва турли давлатлараро миқёсларда амалга оширилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида бундай ҳамкорликни мувофиқлаштириш билан таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослашган муассасалар (ЮНЕСКО), Атом энергетикаси халқаро агентлиги (МАГАТЭ) ва бошқа ташкилотлар шуғулланади. Маданий ва илмий-техник ривожланишнинг алоҳида масалалари эса давлатлар ва ноҳукумат ташкилотлари (масалан, Жаҳон демократик ёшлар ташкилоти, Илмий уюшмалар халқаро кенгаши, Халқаро архитекторлар уюшмаси, Халқаро талабалар уюшмаси) ўртасидаги икки томонлама ёки кўп томонлама шартномалар асосида ҳал қилинади. Халқаро ва илмий-техник ҳамкорлик доирасида илмий маълумотлар, санъат асарлари, мусиқа ва саҳна маданияти ютуқларини алмашиш, ўзаро мутахассислар тайёрлаш, фан ва маданият масалаларига доир турли конференциялар ва фестивраллар, олимлар, маданият арбоблари ва спортчилар ўртасида бевосита алоқалар амалга оширилади.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик сайёрада экологик вазиятни сақлаш бўйича кўпгина давлатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиради. Бу фаолият кенг қамровли хусусиятга эга бўлиб, инсоннинг яшаши ва ривожланиши учун зарур бўлган экологик шароитларни яратишни назарда тутади. У БМТнинг ихтисослашган муассасалари йўналишида ҳамда минтақавий ва бошқа давлатлараро идоралар доирасида фаол амалга оширилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги замон давлатларининг ташқи фаолияти халқаро ҳуқуқий меъёрларга асосланади ҳамда жаҳон ҳамжамиятига кирувчи барча халқларнинг туб манфаатлари ва миллий хусусиятларини ҳисобга олади. Бу эса бундай ҳамкорликнинг истиқболли эканидан далолатдир.

Баҳром ЭШМУРОДОВ,
Камол МЎМИНОВ

Qonun mohiyati

Маълумки, фақат асосли ва оқилона жазо тайинлаш орқалигина судланганларни қайта тарбиялашга эришиш ҳамда янги жиноятларнинг олдини олиш мумкин. Бу борада судланувчиларга тайинланадиган асосий жазолар билан бирга қўшимча жазоларнинг ҳам аҳамияти жуда катта. Қўшимча жазолар — асосий жазонинг самарадорлигини таъминлаш учун қўшиб тайинланиши мумкин бўлган жазолардир.

ҚЎШИМЧА ЖАЗО НИМА?

Жиноят кодексининг 59-моддаси 3-қисмига кўра, **жиноятлар мажмуи тариқасида тайинланган асосий жазога суд айрим жиноятлар учун тайинланган қўшимча жазоларни ҳам тайинлаши мумкин.** Қўшимча жазолар ҳеч қачон мустақил равишда алоҳида тайинланиши мумкин эмас. Амалдаги қонунчиликка кўра, фақат битта асосий жазога битта қўшимча жазо қўлланиши мумкин. 2001 йил 29 августдаги **"Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонунга биноан, мол-мулкни мусодара қилиш Жиноят кодексидан чиқариб ташланди. Бу жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинаётганининг ёрқин кўринишидир.

Амалдаги Жиноят кодексига кўра, эндиликда фақат биргина, яъни ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш жазоси (ЖКнинг 52-моддаси) қўшимча жазо сифатида қўлланилиши мумкин. Олий ҳарбий ёки махсус унвонга ёхуд Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотига эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жиноятн учун ҳукм қилинганида, у суднинг ҳукми асосида киритадиган тақдимномасига биноан, мазкур унвон ёки мукофотдан маҳрум қилиниши мумкин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш тарзидаги қўшимча жазо суд тайинлаган муддат давомида айбдорнинг корхона, муассаса, ташкилотларда бирор-бир мансабни эгаллашини ёхуд фаолиятнинг бирор тури билан шуғулланишини тақиқлашдан иборатдир. Ана шундай мансаб ёки фаолият тури суд томонидан айблов ҳукмида кўрсатилади. Шунингдек, шахс Жиноят кодексининг Махсус қисмида назарда тутилган бир неча жиноятларни содир этган ҳолларда, Жиноят кодексининг 45-моддасида кўрсатилган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо тайинлаш тариқасида қўлланиши мумкин.

Асосий жазо билан бирга қўшимча жазо тайинлаш ҳар бир алоҳида жиноятнинг ўзига хос белгиларини аниқлашнинг муҳим босқичи бўлиб, юридик аҳамиятга эгадир. Бунга Олий суд Пленумининг 1996 йилги 16-сонли қарорида ҳам катта эътибор берилган. Пленум қарорининг 9.1 бандида бир неча жиноят юзасидан шахсга қўшимча жазоларнинг жиноятлар жами тариқасида тайинланиши, ҳукмнинг бекор бўлишига олиб келиши мумкин, дейилади.

Олий суднинг 1996 йилги 19-сонли **"Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"**ги Пленум қарорининг **"Қўшимча жазоларни қўллаш бўйича"** бандида **"Жиноят кодекси махсус қисмининг турли моддаларида кўзда тутилган бир неча жиноятни содир этишда айбдор деб топилган шахсга қўшимча жазо асосий жазо сингари даставвал ҳар бир ҳаракат учун алоҳида-алоҳида, сўнгра жиноятлар жами учун тайинланиши керак",** дейилади. Бизнинг назаримизда, Пленум қароридаги мазкур тушунтириш умумий бўлиб, бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш вақтида айнан бир хил қўшимча жазоларни тайинлашга тааллуқлидир.

Ўз навбатида бир неча жиноят юзасидан қўшимча жазо тайинлашда суд узил-кесил жазо сифатида икки ёки ундан ортиқ қўшимча жазо тайинлаши мумкинми, деган савол туғилади. Ҳуқуқий адабиётларда жиноятлар жамини ташкил қиладиган асосий жазога фақат битта жазо тайинланиши мумкинлиги айтилган. Аммо қонун мазмунига кўра, жиноятлар жамини ташкил қиладиган жазога икки ёки ундан ортиқ қўшимча жазоларни тайинлаш мумкин. Чунки қонунда жиноятлар мажмуи учун икки ёки ундан ортиқ қўшимча жазо тайинлаш мумкин эмаслиги тўғрисидаги қатъий қоидалар йўқ.

Хуллас, қўшимча жазо тайинлаш борасида ҳам қонунчилик меъёрларига оғишмай амал қилиш адолатли жазо тайинлашнинг мезонларидан биридир.

М.МУҚИМОВА,
тадқиқотчи

Mitti maslahat

НОГИРОНЛИК ПЕНСИЯЛАРИ

уларни олиш тартиби қандай?

Мамлакатимизнинг асосий қонуни бўлган Конституциянинг 39-моддасида **«Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас»,** деб қайд этилган.

Фуқаролар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлганидан сўнг исталган пайтда пенсия тайинлашни сўраб мутасадди идораларга мурожаат этишлари мумкин. Давлат пенсияларининг турли хилларини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга уларнинг ўзлари танланган битта пенсия тайинланади.

Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхатларга мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифалари имтиёзли шартларда пенсия олишга ҳақли. Улар сирасига ногиронлар ҳам киради.

Ногиронлик пенсиялари меҳнат қобилияти тўлиқ ёки қисман йўқотилган ҳолларда тайинланади. Меҳнат фаолияти даврида майиб бўлиш ёки касб касаллигига учраган фуқаролар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган ногиронлик сабаблари рўйхати бўйича пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлишади.

Бундан ташқари, пенсия умумий касаллик (шу жумладан, иш билан боғлиқ бўлмаган шикастланиш, майиблик, болаликдан ногиронлик) туфайли ногирон бўлган фуқароларга ҳам тайинланади. Соғлик ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига қараб, ногиронликнинг уч гуруҳи юзага келади.

Ногиронлик сабаблари ва гуруҳлари, шунингдек, ногиронлик бошланган вақти ва ногиронлик қанча муддатга белгиланиши Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Низом асосида ишловчи тиббий меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) томонидан аниқланади.

Меҳнатда майиб бўлиш ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсияларини тайинлаш иш стажининг қанчалиги аҳамиятга эга эмас.

Умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиялари ногиронлик бошланган пайтга қадар иш стажига асосланган ҳолда тайинланади.

К. ҒОФУРОВ,
магистр

Ehtiyot bo`ling: firibgar!

"ЧУВ ТУШИРИШ" ОПЕРАЦИЯСИ

ёки талон-тарож қилинган 20 миллион сўм хусусида

Шартнома ўз моҳиятига кўра иқтисодий-мулкий муносабатларни юридик расмийлаштириш воситаси ҳисобланади. Шубҳасиз, ҳар қандай субъект шартнома тузишда ўз манфаатларидан келиб чиқади. Шу боис мазкур жараёнга учинчи шахс аралашса, шартнома тузувчилар манфаатига зиён етади. Қолаверса, шартнома мажбуриятлари ярим йўлда қолиши ёки бажарилмаслиги ҳам ҳеч гап эмас.

Ўтган йилнинг 12 ноябр куни Бухоро вилояти хўжалик судига Тахиатош иссиқлик электр станцияси шўъба корхонаси раҳбари Б.Мадреимов Бухоро шаҳридаги "Пластик" хусусий фирмасидан 20 миллион сўмлик асосий қарз, 10 миллион сўмлик устамани ундириб бериш тўғрисидаги даъво аризаси билан мурожаат қилди.

"Пластик" хусусий савдо тижорат фирмаси Бухоро шаҳар ҳокимининг 1999 йил 26 январ 254-рақамли қарори билан рўйхатга олинган. Фирма раҳбари Шуҳрат Саноев амалдаги қонунлар доирасида фаолият кўрсатиб келарди. 2002 йил 23 декабрда фирма ишига учинчи шахс аралашгач, дилхираликлар бошланиб кетди. Худди ана шу куни хусусий фирма ва Тахиатош иссиқлик электр станцияси шўъба корхонаси ўртасида 27-сонли шартнома тузилди.

Шартнома шартларига биноан "Ижрочи" хусусий фирма буюртмачига 33.990.000 сўмлик 530.9 миллиметр ҳажмдаги 66 тонна қувур етказиб беришни ўз зиммасига олган. Ажабланарли томони шундаки, шартномага хусусий фирма раҳбари Шуҳрат Саноев ўрнига Мақсуд Фозилов имзо чеккан. Хўш, нега бундай бўлган? Ахир, шартноманинг амал қилиш муддати, шартномавий муносабатлар даврийлиги, товарларни етказиб бериш, қабул қилиб олиш тартиби, тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлдириш, уларнинг сифатини аниқлаш ҳамда уни танлаб олиш, етказиб бериладиган маҳсулот учун ҳисоб-китоблар тарафлар раҳбарлари ваколатига киради-ку?!

— Менга ҳеч қандай ваколат берилмаган эди, — дея изоҳ берди суд мажлиси жараёнида Мақсуд Фозилов. — Вақт, имконият беринглар, қовурларни қаердан бўлса ҳам топиб, етказиб бераман. Лафзим ҳалол, ишонинглар.

Аслида фирма раҳбари ва Мақсуд Фозилов пухта ўйланган "чув тушириш операцияси"ни ишлаб чиқишганди. Бу буюртмачини алдаб, бир амаллаб ҳисоб рақамига маблағ тушириш эди.

Шўъба корхона "Пластик" фирмасининг хусусий "Парвинабанк"нинг Бухоро филиалидаги ҳисоб рақамига 2003 йил 6 январдаги 3-сонли тўлов топшириқномаси билан 20.000.000 сўм маблағ кўчиргач, фирибгарлар "Пул тушди. Операцияни давом эттирамиз", дея дадил ишга киришишди. Ҳар эҳтимолга қарши Мақсуд ҳамтовоғи Шуҳрат Саноевга 2003 йил 8 январ куни "ҳисоб рақамингдаги маблағларни ишлатиб туришга розилик берсанг, қувурларни топиб бериш мажбуриятини оламан", мазмунида тилхат ёзиб беради.

Шўъба корхона шартнома шартларига амал қилган ҳолда жаовбгар ҳисоб рақамига қисман пул маблағини ўтказган бўлса-да, қувурларни етказиб бериш ҳадеганда фирма "раҳбари" хаёлига келмади. Бир неча бор қилинган ёзма мурожаатлар жавобсиз қоларди.

Мақсуд шартнома тузиш чоғида яна бир ҳийла ишлатган. Яъни "Ижрочи" манзилини "Баҳор" кўчаси 71-уй, деб кўрсатган. Судга иштирок этиш учун тарафлар чақирилганда Бухоро шаҳрида "Баҳор" кўчаси мавжуд бўлса-да, 71 рақамли уй умуман йўқлиги аниқланди.

Суд Шуҳрат Саноев манзилини аниқлаш учун фирмага хизмат кўрсатувчи банкдан маълумотнома тақдим этишни сўради. Банк ходимлари фирма раҳбари Бухоро шаҳар, Зуҳра кўчаси 14-уйда истиқомат қилишини билдиришди. Бу хонадон соҳиблари бундай шахсни мутлақо танимасликларини, у мазкур манзилда яшамаслигини айтишди.

Шу ўринда яна бир ҳақли савол туғилади: даъвогар тараф хусусий фирма ҳисоб рақамига кўчирган 20 миллион сўм қаерга сарф этилган? Аниқланишича, фирибгарлар бу маблағни келиб тушган куниёқ макарон маҳсулоти учун "Самарқанд национал Америка Ко" қўшма корхонаси ҳисоб рақамига ўтказишади.

Энг қизиғи, "Пластик" хусусий фирмаси ҳисоб рақами Бухоро шаҳар ҳокимининг 2003 йил 15 апрел 855-сонли қарорига асосан ёпилган ва фирма давлат реестридан ҳам чиқарилган. Шуҳрат Саноев Тахиатош иссиқлик электр станцияси шўъба корхонаси олдидаги дебиторлик қарздорлигини тўлаш ўрнига ҳозирда яшириниб юрибди: Унинг ҳамтавоғи Мақсуд Фозилов эса судга ёзиб берган тушунтириш хатида ёлғон-яшиқ сўзларни маржондай тузиб, баҳоналар гирдобидан чиқа олмади. Бироқ рост билан ёлғоннинг ораси тўрт энлик. Шу боис суд фирибгарлик йўлини танлаган Мақсуд Фозилов ва Шуҳрат Саноевга нисбатан **"Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"**ги Президент Фармонига асосан Жиноят кодексининг 167-моддаси, 3-қисми, "а" банди билан жиноят иши қўзғатиш тўғрисида хусусий ажрим чиқарди. Хусусий ажрим ва ундаги ҳолатларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар дастлабки тергов ҳаракатлари олиб бориш учун Бухоро вилояти прокуратурасига юборилди.

Шу тариқа фирибгарлик дардига чалинган икки кимса ўз айблари сиртмоғидан қочиб қутула олмади. Энди уларнинг кирдикорлари фош этилиб, жазога мустаҳиқ этилиши муқаррар. Бироқ «чув тушириш операцияси» фош бўлган, етти мучаси бутун, алпқомат бу кимсалар ўз виждонлари олдида ўзларини оқлай оларми?

Мустафо ЖЎРАЕВ,
ҳуқуқшунос
Валижон ЮСУПОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Mushohada

УЙДА ТИНЧИ БЎЛСИН

ЙИГИТНИНГ АВВАЛ...

Одатда, ёш йигит-қизлар турмуш қуриб, никоҳдан ўтишаётганда кўпни кўрган кексалар фотиҳага қўл очиб, «ували-жували бўлинглар, қўша қаринглар», дея дуо қилишади.

Бу истак замирида ёшларнинг бахтини тўкис кўриш ниятн ётибди. Ахир, катта ҳаётга қадам қўяётган ёшларнинг бахтидан ким ҳам қувонмайди, дейсиз?!

Аммо ҳаёт мураккаб яралган. Ҳали оила қурганига бир йил бўлмай туриб, "бизни ажратиб қўйинглар", деб судга мурожаат қилаётган айрим ёшлар ҳам йўқ эмас.

Хўш, бунинг сабаби нима билан изоҳланади? Нега ёшлар бир-бирига берган аҳду паймонларига содиқ қолишмайди?

Албатта, бундай оилавий можаролар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Чунки оила муқаддас маскан. Унинг поклиги, мустаҳкам ва софлигини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳар бир фуқаронинг бурчи саналади. Зеро, ўз оиласини асрай олмаган киши Ватанни ҳам асрай олмайди. Оила Ватаннинг бир бўлаги демакдир.

Албатта, оилани бузилишга олиб келадиган сабаблар кўп. Энг аввало, ота-онанинг истак-хоҳишига кўра турмуш қурган ёш оилаларда ана шундай кўнгилсиз воқеа учрайди. Баъзи ота-оналар ҳали ҳарбий хизматда юрган ўғлига бирон-бир таниши ёки узоқ қариндошининг қизини унаштириб қўйишади. Йигит қизни, қиз йигитни яхши танимаган, бир-бирига кўнгил қўймаган бўлса-да, ота-оналарининг измидан чиқолмай, тўйга рози бўлишади. Аммо орадан кўп ўтмай икки ёшнинг ҳаётида турли хил тушунмовчиликлар келиб чиқа бошлайди. Бу орада оилада фарзанд дунёга келади. Лекин бу билан ҳам оиладаги низо бархам топмайди. Табиийки, оилани асраб қолиш учун турли хил таъсир чоралари кўрилади. Лекин улар фойда бермагач, суд уларни ноилож ажратиб юборади. Энг ачинарлиси, икки ўртада бола тирик етим бўлиб қолади.

Кези келганда шуни айтиш керакки, баъзи оилаларнинг бузилишига йигитнинг, гоҳида эса қизнинг ота-онаси ҳам сабабчи бўлади. Айтайлик, хонадонда қандайдир кўнгилсиз гап-сўз, масалан, келин арзимас бир сопол товоқни бехосдан синдириб қўяди ёки супургини нотўғри ушлагани учун қайнона унга дашном беради. Албатта, қайнонанинг гапсўзида "бу уйда мен хўжайинман, чизган чизиғимдан юрасан", деган иддао ҳам бўлади. Шунда оилада эрка ўсган келин бу гапни кўнглига оғир олади ва ўйлаб ҳам ўтирмай аразлаб уйига кетиб қолади. Келиннинг бундай хатти-ҳаракатини қайнона-қайнотаси ўзларига нисбатан ҳурматсизлик деб билишади ва "бор, ўғлим, келиннинг кетганига икки-уч кун бўлиб қолди, алдаб-сулдаб олиб кел", дейиш ўрнига "ўзи кетган ўзи келади, гапимизга кирмаса, сенга бошқасини олиб берамиз", дея тўнини тескари кийиб олишади. Қизнинг ота-онаси эса "қизим, уйингга бор, қайнотанг, қайнонанг қаттиқроқ гапирса, ёмон бўлгин деб эмас, яхши бўлгин деб гапиради. Уларнинг ҳурматини жойига қўйсанг, кам бўлмайсан, эртага ўзинг ҳам қайнона бўласан", дея насиҳат қилиш ўрнига, "биз сени уларга келин қилиб берганмиз, чўри эмас", дея йўлдан қайтаришади ва натижада суднинг столида яна битта ариза пайдо бўлади.

Табиийки, ҳеч қайси ота-она ўз фарзандига ҳеч қачон ёмонлик тиламайди. Ота-онасининг измидан чиқмаган, маслаҳатларига амал қилган фарзанд кам бўлмайди. Аммо фарзандини уйлантирган ёки қизини турмушга берган ота-она энди уларга ёш бола сифатида эмас, балки битта оиланинг бошлиғи сифатида қараб, шунга яраша муомала қилиши зарур.

Бундан ташқари, эр ёки хотиннинг спиртли ичимликка ружу қўйиши ҳам оилани издан чиқаради. Бу пок масканга ароқ аралашдими, эр-хотиннинг ораси бузилади. Чунки спиртли ичимликка ружу қўйган кишилар учун оила ҳам, уй-жой ҳам, ота-она, бола-чақа ҳам бир пулдек бекадр.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиш жоиз: баъзан эр-хотин ажралиш учун судга ариза беради-ю, кейин улардан бири ажралиш фикридан айниб, судга келмай юради. Бу ҳол судларнинг ишини бирмунча қийинлаштиради. Нега деганда, ариза бўйича очилган фуқаролик иши ёпилмай қолади. Ҳозирги пайтда суд ходимларининг ишини чигаллаштирадиган бу ҳолатларнинг олдини олиш учун бир қатор чоратадбирлар кўрилмоқда. Шулардан бири судга чақирув хатини олган, аммо узрсиз сабабларга кўра келмай юрган кишиларга 3000 сўмгача жарима солишдир.

Бундан ташқари, ажралаётган эр-хотиннинг мол-мулкини тақсимлаб бериш ҳам судларга анча қийинчилик туғдиради. Аввалига ширин умидлар билан бир ёстиққа бош қўйган кишиларнинг қандайдир сабаблар билан ажраб кетаётганида бир-бирига шунчалар рақиб бўлиб кетишини тасаввурга ҳам сиғдириш қийин. Аммо бундай ҳол амалда тез-тез учраб туради, яъни эр-хотин баъзан эски кийим-кечаклар, увадаси чиқиб қолган кўрпа-тўшаклар устида ҳам тортишиб қолади.

Айтмоқчимизки, одамзот боласи бу дунёда оиладан устун, бирон-бир макон топа олмайди.

Оиласи нотинч инсоннинг кўнгли ҳам синиқ бўлади. Шунинг учун бу қутлуғ масканни асраб-авайлаш, унинг софлиги, тинч-тотувлиги учун курашиш инсон ўзлигини асраши билан баробардир. Зотан, инсон учун ҳамма-ҳамма нарса оиладан бошланади. Шоир айтганидек, уйда тинчи бўлсин йигитнинг аввал...

Жуманазар БОБОТОВ,
ҳуқуқшунос

Ma`rifat saboqlari

ЙЎЛДАН АДАШГАНЛАР ФОЖЕАСИ

НИЗОМУЛКНИНГ «СИЁСАТНОМА» АСАРИДАН ПАРЧА

(Давоми.
Боши ўтган сонда)

Бойликлар ва ҳарам аҳлини шариат билан мустаҳкамлаб, девлардан уларни ҳимоя қилиб, Сурушга яқинлашади. Оташхона ва бутхоналарни бузиб, динини ер юзига тарқатади ва қиёматгача қолади. Еру осмон унинг пайғамбарлигига гувоҳлик беради. Маздак шу киши ўзим бўлсам керак, деб ўйлаяпти. Биринчидан, у киши ажамлик бўлмайди, Маздак эса ажамийдир. У бировнинг ҳарамига боришни манъ қилади, ўзганинг молидан бир зарра ҳам олишга қўймайди. Бир тангага хиёнат қилган кишининг қўлини кестиради. Хотинлару мол-мулкни умумий қилган Маздак эса олов номидан гапиради. Маздак мазҳабида ҳақиқат йўқ. У салтанатни сенинг авлодингдан олиб, бойлигингни йўқ қилади, сени пастга туширириб, наслингни подшоҳликдан маҳрум этади. Ҳозир мен сенга буни тушунтириб, шарҳлаб бераман.

Улар хилват қилиб ўтирган жойда сув учун зардан ясалган бир хум турарди. Мубад буюради, Қубод билан Нўширавон бир қадаҳни сувга тўлдириб, хумга солиб қўядилар. Ўзи ҳам бир қадаҳни тўлдириб, хумга солади. Сўнгра уларга дейди:

— Ҳар бир киши ўз сувини қайтариб олиши керак!

Малик Қубод ожиз бўлиб қолди:

— Ҳар ким ўз сувини олишининг имкони йўқ, - деди у.

— Шундай бўлса, бир неча киши бир аёлдан фарзанд кўрса, бола кимники бўлишини ким билади? Малик ҳарамига бегона кишига йўл очиқ бўлмаса, ҳар бир фарзандни биз маликники деб биламиз ва унга хизмат қилишни бурчимиз ҳисоблаймиз. Аммо бегона киши ҳарамга кирса, туғилган бола маликнинг боласи эканлигига ким ишонади? Агар бола маликники бўлмаса, мулк ва подшоҳлик унга қандай тегади? Маздакнинг мақсади малик хонадонидан шоҳликни тортиб олиб, мулкка завол етказишдир, шунда катта-кичиклик ҳам йўқолади. Мен бу сўзларимни Маздакнинг хиёнатини кўрсатиш учун айтдим. Сен ўғлингга унинг ёшига қараб баҳо берма. Нўширавон нима деса, тўғридир.

Қубодга мубад сўзлари ёқиб қолади. Эртаси куни Қубод саройга келади. Маздак ҳам ўз курсисига ўтиради. Нўширавон тахт олдида турарди. Шунда Нўширавон олиб келган мубад келиб Маздакка дейди:

— Савол-жавобни сен бошлайсанми ёки менми?

— Мен, - дейди Маздак.

— Унда сен менинг жойимга кел, чунки сен сўрайсан, мен эса сенинг жойингга бораман! – дейди мубад.

Маздак хижил бўлиб дейди:

— Менга бу жойни малик берган. Сен сўрагин, мен жавоб бераман.

Мубад сўрайди:

— Сен бу кўприклар, работлар ва қилинаётган хайру садақалар умумий дейсан. Булар нариги дунё учун эмасми?

— Шундай – дейди Маздак.

— Унда бу моллар ўзаро умумий бўлса, қилинаётган хайру садақа кимники бўлади?

Маздак жавоб беролмайди.

Яна сўрайди мубад:

— Сен хотинларни умумий дейсан. Агар йигирма киши бир аёл билан бўлиб турса, боланинг отаси ким бўлади?

Яна Маздак жавоб беролмайди.

— Сен халқ наслу насаби ва молмулкларини ҳам йўқ қилиш учун келибсан. Бу тахтга ўтирган малик подшоҳ Фирузнинг ўғлидир. Подшоҳлик отасидан мерос қолган. Малик Фируз ҳам уни отасидан мерос олган эди. Агар бойлик умумий бўлса, мубоҳ ҳисобланса, катта-кичиклик йўқолади. Энг паст киши ўзини подшоҳ билан тенг санайди, подшоҳлик эса хор бўлади. Сен келиб шоҳлик ва бойликни Ажам шоҳлари қўлидан олмоқчисан.

Маздак ҳеч жавоб беролмай, жим бўлиб қолади. Қубод дейди:

— Сўзига жавоб бер!

— Буюргин, бошини кесиб ташлашсин, - дейди Маздак.

— Асоссиз бировнинг бошини олиш мумкин эмас!

— Оловдан сўраш керак, қани нимани буюраркан, ахир, мен бу гапларни ўзимдан чиқариб айтмаяпманку! - деди Маздак.

Эртаси куни ҳаммалари оташхонага бориб, олов нима дейишини эшитмоқчи бўладилар. Ҳамма тарқалиб кетади.

Кечаси Маздак иккита бадмазҳаб роҳибни чақиртириб, тилла танга бериб, иккалаларини лашкарбошиликка кўтаришни ваъда қилади. Бу сўзларни бировга айтмаслик учун онт ичтириб, уларга иккита қилич бериб дейди:

— Эртага Қубод ўз яқинлари ва мубадлари билан оташхонага келади. Агарда олов Қубодни ўлдиришга буюрса, сизлар дарров уни шу қиличлар билан ўлдиринглар. Қилич билан бошқа ҳеч ким оташхонага кирмайди.

— Фармон бажарилади, — дейишади улар.

Эртасига улуғ кишилар ва мубадлар оташхонага келадилар Қубод ҳам боради. Порсдан келган мубад Нўширавонга "Ўз хос кишиларингдан ўнтасига айт, қиличларини кийимлари остига яшириб оташхонага кирсинлар. Маздак яна бирор ҳийлани бошламасин", - деб маслаҳат беради, Нўширавон бу ишларни бажариб оташхонага келади.

Маздак оташхонага боришдан олдин ер ости йўлининг оғзида турадиган кишига нима айтишни тушунтиради-да, оташхонага кириб, мубаддан аввал олов билан сўзлашишини сўрайди, мубад оловга яқинлашиб қанча гапирса ҳам, у ердан овоз чиқмайди. Шундан сўнг Маздак оловга дейди:

— Бизга гувоҳлик бер, ҳукм чиқаргин!

Олов ичидан бир овоз чиқади:

— Мен анчадан бери заифлашаяпман. Аввал менга куч беринглар. Қубоднинг дил-жигарини менга беринглар, шунда нима қилишларингни айтаман.

Маздак дейди:

— Оловга куч беринглар!

Унинг кишиларидан иккаласи Қубодни ўлдирмоққа шайланадилар. Мубад Нўширавонга буюради:

— Отангни муҳофаза эт!

Нўширавон ўн нафар кишиси билан иккала роҳиб олдига туриб олиб, Қубодни ўлдиришга йўл бермайди. Маздак бақираверади: "Олов Худо номидан сўраётир!". Одамлар иккига бўлиниб кетадилар. Баъзилари Қубодни тириклайин оловга ташламоқчи бўладилар, баъзилари бу ишга андиша қилиб, шошилмасликни айтадилар. Шу куни улар ортга қайтишади.

Мубад маликка дейди:

— Сен Нўширавонни ёш демагин, у дунёнинг ҳамма ишларини билади. Хонадонингдан подшоҳлик кетмасин десанг, у нима маслаҳат берса, шуни қилгил. Кўнглингдаги сирларни Маздакка очма, унга яқинлашма.

Кейин Нўширавонга дейди:

— Иложини қилиб Маздак хизматкорларидан бирин қўлга олгин, уни пул-мол билан кўндир, балки у олов воқеасини бизга маълум этар. Шунда отангнинг шубҳаси ҳам бирдан йўқолиши мумкин.

Нўширавон бир одамига Маздак кишиларидан бирортаси билан яқин бўлишни буюради. У одам бир кишини Нўширавон олдига олиб келади. Нўширавон хилватда у билан ўтириб минг динор пулни олдига қўйиб дейди:

— Энди сен менинг дўстим ва биродаримсан. Сенинг ғамингни мен ейман... Ҳозир бир нарсани сендан сўрайман, тўғрисини айтсанг, шу минг динор сеники бўлади, ўзинг эса менинг яқинларимдан бўласан ва сенга мартабалар бераман. Агар ростини айтмасанг, бошингни сламан.

У кўрқиб кетади:

— Рост гапирсам, ваъдаларингга вафо қиласанми?

— Ҳа, - дейди Нўширавон ва сўрайди:

— Маздак қандай қилиб олов билан сўзлашади?

У киши жавоб беради:

— Айтган сўзларимни Маздакка айтмайсанми?

— Айтмайман, - дейди Нўширавон.

— Оташхонага яқин жойда бир парча ер бор. Уни Маздак сотиб олган. Атрофини девор билан ўраб, шу жойдан оташхонанинг олов ёқиладиган жойигача ер остидан йўл қазилган. Олов олдида бир кичкина ковак бор. Ҳар вақт бир роҳибни шу ерга қўйиб, нимадир айтишни ўргатади. Эшитган киши оловдан овоз чиқаяпти, деб ўйлайди.

Нўширавон унинг гаплари тўғрилигига ишониб, хурсанд бўлиб, минг динорни унга совға қилади. Кечаси уни отаси олдига олиб бориб, яна бу сўзларини тасдиқлатади. Қубод Маздакка ишончи қолмайди. Дарров мубадни олиб келадилар. Қубод унга шукрлар айтиб, воқеани баён қилади...

— Мен маликка унинг фирибгар ва каззоблигини айтган эдим.

— Бу ёғи маълум бўлди. Энди уни йўқ қилиш чораси нимада экан?

— Маздак сен унинг мазҳабидан қайтганингни ва унинг найрангидан хабардорлигингни билмаслиги керак. Яна бир марта одамларни жамлагин. Мен у билан мунозара қилиб, унга ожизлигини охир-оқибат маълум қиламан-да, қайтиб Порсга кетаман. Кейин Нўширавон нима деса, шуни қиласизлар. Шунда бу фитнага чек қўйилади.

Эртаси куни Қубод улуғ кишилари ва мубадларига келиб Порс мубади билан бирлашиб, Маздак билан мунозара қилишни ва унинг даъватига жиддийроқ қарашни буюради. Ҳамма йиғилади. Қубод тахтга, Маздак эса ўз жойига ўтиради. Мубадлар бир-бир сўзлай бошлайдилар. Порс вилоятидан келган мубад дейди:

— Оловдан овоз чиқишидан мен ажабланаяпман.

Маздак дейди:

— Аллоҳ куч-қудратига ажабланиб бўлмайди. Мусо алайҳиссалом бир пора чўпдан аждаҳо ясаганлар. Ҳаммаси Худо азза ва жалланинг қудратидан. У мени юбориб, оловни итоатимга киритган. Менинг сўзларимга ва олов фармонига итоат қилсангизлар, нажот топасизлар, агар менга бўйсунмасангизлар, Тангри азобига гирифтор бўласизлар.

Порс мубади жойидан туриб дейди:

— Худо тилидан сўзлайдиган ва оловни ўз итоатига киритган кишига мен жавоб беролмайман. Мен таслим бўлиб ожизлигимни тан оламан. Бу ёғи ўзингизга ҳавола, мен кетдим.

У Порс вилояти томон йўл олади.

(Давоми бор)

Маҳмуд САТТОРОВ
тайёрлади.

Charxi-kajraftor

АЖАБТОВУР ҚОНУНЛАР

Ҳуқуқшуносликда жиноий ҳатти-ҳаракат содир этган шахс жиноят субъекти ҳисобланади. Субъектнинг хатти-ҳаракатида жиноят қонунида кўзда тутилган жиноят белгилари бўлмаса, жиноят таркиби ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам ёш болалар, руҳий касалликка чалинган шахсларнинг хатти-ҳаракатлари қанчалик хавфли бўлишига қарамасдан уларга нисбатан «жиноий хатти-ҳаракат», «жиноят» атамалари қўлланилмайди.

Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, жиноий жавобгарлик тамойили турли даврларда фақат инсонга нисбатан эмас, балки жонсиз предметлар, ҳайвонлар, ҳашоратлар ёки юридик шахсларга нисбатан ҳам қўлланилган. Бундай ёндашув асосан хорижий давлатлар қонунчилигига хосдир. Масалан, қадимги Афинада суд бирон-бир буюм сабабли юз берган ўлим тўғрисидаги ишни кўриб чиққандан сўнг коҳинлар мазкур буюмларни полиз ташқарисига чиқариб ташлашган.

Англияда XIX аср ўрталарига қадар ўлимга сабаб бўлган буюмларни қирол фойдасига мусодара қилишни кўзда тутадиган низом мавжуд бўлган.

Ўрта асрларда феодал жиноят ҳуқуқи кўпинча ҳайвонларни жиноят субъекти деб эътироф этган. XIV ва XIV асрларда инсон ҳалокатига сабаб бўлган ҳайвонлар қонун бўйича осиб ўлдирилган.

Қонунчилик ҳуқуқи тарихида экинзорлар, мевали дарахтлар, узумзорларга қирон келтирган ҳашорат ва ҳайвонларга қарши таъқиб ишлари олиб борилгани баён этилган. Хусусан, Францияда 1710 йилда ғалла майдонларига кўп талофат етказгани учун сичқон ва каламушлар, 1740 йилда эса сигирлар иши судда кўрилган. 1790 йилда Техас штатида кишиларга бир неча марта ҳамла қилгани учун Маркус лақабли ит ўлим жазосига хукм этилган. Ҳозирги пайтда қонунчиликда ҳайвонлар жиноят субъектлари сифатида эътироф этилмайди. Агар улар жиноий мақсадларда фойдаланилса, қурол сифатида қаралиши мумкин. Бу эса қонунчилик жуда кўп такомил босқичларини босиб ўтганини кўрсатади.

Дилфуза ХОТАМОВА тайёрлади.



Шаршара

ГУМРОҲЛИК КАСРИ

СУД ОЧЕРКИ

(Давоми.
Боши учинчи бетда)

Бундай тил бириктирувдан сўнг Т.Тўраев Қарши шаҳрига йўл олди. Куёви Шуҳрат Ғиёсовнинг ҳовлисида турган "Қамаз" русумли автоуловни кўриб қимники эканини суриштирди. Шунда Шуҳрат уни яқинда сотиб олгани, баъзи эҳтиёт қисмлари йўқлиги учун юрмаётганини айтди. Бу Т.Тўраевга айни муддао эди. Шу боис дарҳол мақсадга кўчди:

— Танишларимда ҳужжатсиз "Камаз" бор экан. Уни олиб келсам, икки миллион сўмга оласанми?

— Олдин автомашинани кўришим керак, — дея жавоб берди Шуҳрат.

Бу гапни эшитиб Турди Тўраев дарҳол Тошкентга йўл олди ва Маъмур Қўчқоровга харидор топилганини маълум қилди. Шундан сўнг ҳамтовоқлар қабиҳ режаларини амалга ошириш ҳаракатига тушиб қолишди.

III. ҚОТИЛЛИК

М. Қўчқоров жиноятнинг содир этилишини осонлаштириш учун дастлаб одамни ухлатадиган дори тайёрлади. Шундан сўнг Тошкент шаҳридаги юк автоуловларини турадиган жойга бориб, Н. Ғаниев билан Қарши шаҳридан юк келтириб бериш учун 300 минг сўмга савдолашди.

Н. Ғаниевнинг бошқарувидаги автоуловда М.Қўчқоров ва Р.Шарипов Қашқадарёга жўнашди. Т.Тўраев келишувга биноан Чироқчи тумани ҳудудидаги ошхонада уларни кутиб турди. "Камаз" ярим тунда ошхонага етиб келди. Улар шу ерда овқатланиб, бироз дам олишди. Тонг отгач ҳамтовоқлар режани қайтадан пишилигини айтишди.

Бу шунчаки баҳона эди. Шу боис иккинчи автоулов келмади. Соат миллари ярим тунни кўрсатганида кутишдан тоқати тоқ бўлган Наил машинани хилватроқ жойга қўйиб ухлагани ётди. У бир неча соатлик умри қолганини, тепасида ажал тоши турганини билмас эди.

Тун яримдан оққанда Маъмур Раззоққа "Ҳайдовчини тинчитиш фурсати етди" деган имони қилди.

Дастлаб Раззоқ қўркувдан тараддудланиб қолди. Бироқ Маъмур "Турди ака кутиб турибди, агар автоуловни олиб бersак, бир миллион сўм беради. Бўлмаса, пулсиз қоламиз", дея далда бергач, у беш килограмм оғирликдаги тош билан Наилнинг бошига урди. Зарбдан бесаранжом бўлган ҳайдовчини Маъмур ушлаб турди, Раззоқ эса тош билан яна икки-уч марта бошига туширди.

Ҳайдовчининг тинчиб қоганига ишонч ҳосил қилишгач, Маъмур автоуловни Ғузор тумани томонга ҳайдади. Уч километрча юришгач, жасадни йўл четига чиқариб ташлашди. Марҳумнинг ҳужжатларини эса ғаллазор ичига отиб юборишди. Эгасиз машина билан Қарши шаҳрига кираверишда Турди Тўраевни кутиб туришди. Йигирма дақиқалардан сўнг етиб келган Турди Тўраев "Камаз"ни куёви Шуҳратнинг ҳовлисига олиб борди.

Эртасига Шуҳрат қайнотасига 500 минг сўм тутқазди ва қолганини кейинроқ беришини айтди. Т.Тўраев пулнинг 250 минг сўмини М.Қўчқоровга, 100 минг сўмини Раззоқ Шариповга берди. 150 минг сўмни эса ўзига олди. Шуҳрат "Камаз"нинг ўғирланганги ва ҳайдовчисининг ўлдирилганидан бехабар эди...

IV. ГУМРОҲЛИК

Орадан бир неча кун ўтиб, Қашқадарёда "Камаз" автоулови қидирилаётгани ҳақида гап-сўз тарқалди.

Jinoyatga jazo muqarrar

Бу хабарни эшитгач, Шуҳратнинг юрагига ғулғула тушди. У ҳовлисида турган "Камаз"нинг кабинасига разм солиб, у ердаги қон доғлари изини кўриб қолди. Вахимага тушиб турганда автоуловнинг қолган пулини сўраб қайнотаси келиб қолди.

— "Камаз"ни эгаларига қайтариб олиб бориб беринг, — деди Шуҳрат. — Машинада қон доғлари изи бор. У менга керак эмас. Чунки милиция ходимлари ҳайдовчиси ўлдирилган "Камаз"ни қидиришяпти экан.

— Жим бўл, — деди Турди ҳадик ва таҳдид билан. — "Камаз"ни олиб келганлар ёмон одамлар. Улар сен билан мени ҳам, бола-чақангни ҳам бир бало қилиб кетишади. Шунинг учун "Камаз"ни бир ёқли қилишимиз керак...

Бу гапдан сўнг Т.Тўраевнинг ўғиллари Жамшид ва Акбар, Шуҳрат Ғиёсовнинг акаси Шавкат, укаси Шамси ва шу маҳаллада яшовчи Жўрабек Худойберганов гумроҳлик йўлига ўтишди. Улар Шуҳратнинг молхонаси ичидан чуқур ҳандақ қазишиб, унга "Камаз"ни кўмиб ташлашди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг фаол сайъ-ҳаракатлари туфайли мазкур жиноят иши тезда фош этилди. Молхона ичига кўмилган "Камаз" қазиб олиниб, эгаларига қайтарилди.

Суд Маъмур Қўчқоров, Раззоқ Шарипов, Турди Тўраевларни узоқ муддатга озодликдан маҳрум этди. Шунингдек, Шуҳрат Қиёсов, Жўрабек Худойберанов, Жамшид Тўраев, Шавкат Қиёсов, Шамси Қиёсов, Акбар Тўраевларнинг ҳар бирига қилмишларига яраша жазо тайинлади.

Ҳамид БОБОҚУЛОВ,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-718. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
2 3 4 5 6